

Ҳақнинг розилиги ота-она розилигида

Бозорда эдик. Сотувчиларнинг қўли-қўлига тегмайди. Шу пайт навқирон йигит кекса отасига: “Дада, имилламасдан тез-тез ўлчаб бермайсизми, одамлар кутиб қоляпти. Ортиқча юк бўлдингиз-да. Ундан қўра ўғлимни олиб келсам бўларкан”, деди. Унинг отасига қилган бу муомаласидан музлаб қолдим.

Афсус, ота-онасининг қадрига етмай, беҳурмат қиладиган бундай инсонлар ҳаётда учраб туради.

Қуръони каримнинг йигирмага яқин оятида ота-онага яхшилик қилиш буюрилган. Жумладан, Исро сурасининг 23-оятида бундай дейилади: **«Раббингиз Унинг Ўзигагина ибодат қилишингизни ҳамда ота-онага яхшилик қилишни амр этди. (Эй инсон!) Агар уларнинг бири ёки ҳар иккиси ҳузурингизда кексалик ёшига етсалар, уларга “уфф!...” дема ва уларни жеркима! Уларга (доимо) ёқимли сўз айт!»**

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам огоҳлантирганлар: **“Аллоҳ таолонинг розилиги – ота-онанинг розилигида, Унинг ғазаби эса ота-онанинг ғазабидадир”** (Имом Табароний ривояти).

Бугун орамингда ота-онасини норизо қилаётган, уларнинг ғазабига қолаётганлар оз эмас. Бундай кишиларнинг юриштириши, ҳаётида ҳаловат йўқ. Топиш-тутишида барака бўлмай, ҳаётдан нолиб ўтади. Лекин иши юришмаслигию бири икки бўлмаётгани сабабини англаб етмайди. Зеро, қачон ота-она рози, дуода бўлса, фарзанднинг бахти иқболи кулади. Уларга яхшилик қилган кишини Аллоҳ ҳам суяди ва ундан марҳаматини дариф тутмайди.

Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Мен Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламдан:

“Ё Расулulloҳ, қайси амал Аллоҳга энг суюмли?” деб сўрадим. У зот: **“Вақтида ўқилган намоз”**, дедилар. “Кейин қайси?” дедим. **“Ота-онага яхшилик қилиш”**, дедилар (Муттафақун алайҳ).

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам:

– **Ота-отасининг юзига марҳамат билан боққан кишига ҳаж ва умранинг савоби ёзилади**, – дедилар.

– Кунда минг марта боқса ҳам шундайми? – деб сўрадилар.

– **Кунда юз минг марта боқса ҳам**, – дедилар (Имом Байҳақий ривояти).

Бошқа бир ҳадисда Онҳазрат:

– **Албатта, Аллоҳ таоло карами кенг, улуг зотдир ва ажру савобларини яхши бандаларидан дариф тутмағай**, – деб жавоб бердилар (Имом Байҳақий ривояти).

Албатта, ота-она – тенгсиз давлат. Уларнинг борлиги, дуолари ҳамда хурсандчиликлари қалбларимизга, хонадонларимизга барака, нур олиб киради. Ризоликлари эса ризқимиз бутунлиги, умримиз узунлиги ҳамда мушкулларимиз осон, ғаму ташвишлардан фориғ бўлишимизга боис бўлади. Шунинг учун ҳам фарзанд ота-онасини асраб-авайлаши, ширин сўзлар билан уларнинг кўнглини кўтариши, агар кексалик ёшига етган бўлсалар, барча инжиқликларига чидаши керак. Ана шунда фарзанд муродига етади.

Ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Қайси бир мусулмоннинг ота-онаси бўлса, уларга яхшилик қилиб, унинг савобини кутган ҳолда тонг оттирган бўлса, Аллоҳ таоло унга жаннатнинг икки эшигини очади”**, деганлар (Имом Абу Довуд ва Имом Ибн Можж ривояти).

Ота-оналаримизни рози қилиб, дуоларини олиб яшаш ҳаммамизга насиб этсин.

Камолиддин ҳожи ЖАМИЛОВ,
Сариосиё тумани

Садақанинг фойдалари

Исломда закот, хирож, ушр, фитр садақа ва хайр-эҳсонлар “садақот” (садақалар) деган сўз билан ифодаланади (*Бақара сураси, 271-, 276-; Тавба сураси, 58-, 60-, 79- ва 104-оятлар*).

Аллоҳ таоло бундай марҳамат қилади: **“Садақаларингизни агар ошкора берсангиз, жуда яхши. Бордию камбағалларга пинҳона берсангиз – ўзингиз учун янада яхшироқдир ва (У) гуноҳларингиздан ўтар. Аллоҳ қилаётган (барча) ишларингиздан хабардордир”** (*Бақара сураси, 271-оят*).

Ушбу ояти каримада садақани ошкора қилиш ҳам, махфий қилиш ҳам мақталмоқда. Бу ҳақдаги бошқа оят ва шаръий далилларни ўрганиб чиққан уламоларимиз хулоса қилиб айтадилар: “Садақа фарз бўлса, уни ошкора қилиш яхши, чунки бу ҳолда Аллоҳнинг амрига тоат ошкора кўринади ва ҳақдор бўлмаган кишиларга ҳам тушиб қолишининг олди олинади. Агар садақа ихтиёрий бўлса, уни махфий қилган яхши: риёдан ва манманликдан холи бўлади. Садақанинг энг ҳақдори камбағал-фақир кишилардир. Исломда садақанинг жорий қилиниши ҳам ўша тоифанинг ҳимояси ва ёрдами учун бўлган.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Садақа қилишга шошилинг. Чунки балолар (офатлар) садақа томонга қадам қўя олмайди. Яна садақа қилишга шошилинг, чунки садақа балони қайтаради ва балонинг (ерга) тушишини тўхтатади”**,

деганлар (*Имом Байҳақий ривояти*).

Амалга оширилаётган хайрли ишлар, чин дилдан улашилаётган совғаю эҳсонлар, ихлос-ла қилинаётган эзгу дуолар сабаб Аллоҳ таоло юртимизга тинчлик-осойишталик, хонадонларимизга қут-барака, офият ато қилади.

Садақанинг булардан бошқа яна бир қанча фойдалари бор. Қуйида уларни санаб ўтамиз. Садақа:

- 1) жаннат эшикларидан биридир;
- 2) Қиёмат куни ўз соҳибига соябон бўлади;
- 3) қабрда енгиллик бўлади;
- 4) нафси тарбиялайди;
- 5) гуноҳларга каффарот бўлади;
- 6) хурсандчиликка сабаб бўлади;
- 7) дуо қабул бўлишига сабаб;
- 8) балони қайтаради;
- 9) умрни узайтиради;
- 10) ўт тушишидан, сувда чўкишдан, ўғри уришидан ва ёмон ўлимдан соя бўлади;
- 11) садақа қилувчи киши одамлар меҳрини қозонади;
- 12) ризқ зиёда бўлишига сабаб бўлади;
- 13) нусратга сабаб бўлади;
- 14) садақа қилаётганингизда маблағларингизни йўқотаётган бўлмайсиз, балки уни бошқа пайт учун ўзингизга жўнатаётган бўласиз;
- 15) садақа берадиган одамнинг молига фаришталар барака тилаб дуо қилади;
- 16) Парвардигорнинг ғазаби сўнишига сабаб бўлади;
- 17) садақа – садақа берувчининг шайтонлар устидан ғалабасидир;
- 18) садақа – садақа берувчининг қувончига сабабчидир;
- 19) садақа Рамазон ойида тутилган рўзани мукаммаллигига сабаб бўлади;
- 20) садақа берадиган хонадонга Аллоҳ таолонинг раҳмати ёғилади.

Иброҳимжон ИНОМОВ
тайёрлади.





8



ДОЛЗАРЪ МАВЗУ

“Суннийман...” дегувчи
мазҳабсизлардан огоҳ бўлинг!

12



ЁШЛАР ТАРБИЯСИ

“Инстасамка” ва “инстасамис”га
айланаётган ёшлар фожиаси

18



ЁМОНЛИҚДАН ҚАЙТАРИШ

Жонини берса беради, лекин...

25



МАЪНАВИЙ МЕРОС

Шайх Муҳаммад Содик
Муҳаммад Юсуф асарларида
тасаввуф тарғиботи

30



САОДАТ АСРИГА САЁҲАТ

Бадр ғазоти

32



МУНОСАБАТ

Бозордаги озорлар

ЯХШИЛИККА ЧАҚИРИШ

Ҳақнинг розилиги ота-она розилигида 1

УБУДИЯТ

Садақанинг фойдалари 2

САҲОБАЛАР ҲАЁТИ

Менинг билганимни билганингизда эди... .. 4

ИБРАТЛИ ҲИКОЯ

Бандалигимга ярашмайди... .. 5

ДИНИМИЗНИ ЎРГАНАМИЗ

Амаллар кушандаси 6

МАКТУБЛАРДА МАНЗАРАЛАР

Оқ нон 7

МЕРОС

Ўзбек тилидаги энг йирик тафсир 9

САҲОБАЛАР ҲАЁТИ

Тавбаси қабул қилинган саҳоба 10

ТАФСИР

Аҳиллик ва бирдамлик асоси 14

МАСАЛА

Сўраган эдингиз 16

МУРУВВАТ

Ҳимматли инсон 19

ҚУРЪОН ВА БИЗ

Муқаддас китобга доир илмлар 20

ТАДҚИҚОТ

Навоийнинг икки тарихий асари 21

ДУНЁДАН ДАРАКЛАР

Ислом ва олам 22

БУЮКЛАРДАН САБОҚЛАР

Етти муборак таълим 24

ШЕЪРИЯТ

Йўл олдим ўзимдан Сени ахтариб... .. 26

МУҚАДДАС ҚЎРҒОН

Таъминот ота зиммасида 28

НАБИЙЛАРНИНГ ВОРИСЛАРИ

Муҳаққиқ аллома Шуайб Арнаут 29



Журналда оятлар, ҳадислар бор. Ножоииз жойларга қўйманг!



عن ابي ذر الغفاري رضي الله عنه قال: قال رسول الله صلى الله عليه وسلم: «إِنِّي أَرَى مَا لَا تَرَوْنَ ، وَأَسْمَعُ مَا لَا تَسْمَعُونَ ، أَطَّتِ السَّمَاءُ ، وَحُقَّ لَهَا أَنْ تَنْطَبَّ ، مَا فِيهَا مَوْضِعُ أَرْبَعِ أَصَابِعٍ إِلَّا وَمَلَكٌ وَاضِعٌ جَبْهَتَهُ لِلَّهِ سَاجِدًا ، وَاللَّهُ لَوْ تَعْلَمُونَ مَا أَعْلَمَ لَضَحِكْتُمْ قَلِيلًا ، وَلَبَكَيْتُمْ كَثِيرًا ، وَمَا تَلَذَّذْتُمْ بِالنِّسَاءِ عَلَى الْفُرَشِ ، وَخَرَجْتُمْ إِلَى الصُّعَدَاتِ تَجَارُونَ إِلَى اللَّهِ ، لَوَدِدْتُ أَنِّي شَجَرَةٌ تُعْصَدُ ». (رواه الترمذي)

Менинг билганимни билганингизда эди...

Маъноси: «Абу Зар розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: “Албатта, мен сиз кўрмаган нарсаларни кўраман ва сиз эшитмаган нарсаларни эшитаман. Осмон ингради ва унинг инграши ҳақ эди. Унда тўрт панжа сиғадиган ҳар бир жойда битта фаришта Аллоҳга сажда қилиб пешонасини қўйган. Аллоҳга қасам, агар менинг билганимни билганингизда эди, албатта, оз қулиб, кўп йиғлаган бўлардингиз. Тўшакларда аёллар билан ишрат қилмаган бўлардингиз. Дашту саҳроларга чиқиб, Аллоҳга зорланган бўлардингиз! Қани эди, кесилиб ташланадиган дарахт бўлсам”, дедилар» (Имом Термизий ривояти).

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг шу ва бошқа бир неча ҳадисларида кўпчилик инсонлар кўра олмайдиган нарсаларни кўриб, аксарият одамлар эшита олмайдиган нарсаларни эшитишларини таъкидлаганлар. Набий алайҳиссаломга берилган бу хислат Аллоҳнинг у зотга улуғ инъомидир. Ана шу инъом туфайли Расулуллоҳ кўплаб инсонларнинг иймон билан шарафланишига сабабчи бўлганлар.

Мазкур ҳадис тўлиғича тақво, зуҳд, вараъ ҳақидадир. Уни ўқиб, англаб, Набий алайҳиссалом биз эшита олмаган, кўра олмаган, билмаган нарсаларимизни билишини англаш орқали у зотга меҳримиз,



муҳаббатимиз янада ошиб бораверади. Тақводор ва зоҳид бўлиш учун инсон ўта ҳассос, кўпчилик ҳис қилмайдиган нарсаларни ҳис қилиши керак.

Шу билан бирга, **“Ҳақиқатан, Биз Қуръонни зикр (эслатма) учун осон қилиб қўйдик. Бас, эслатма олувчи борми?!”** (Қамар сураси, 17-, 22-, 32- ва 40-оятлар) оятига мувофиқ Қуръони каримни тадаббур қилишимиз, Раббимиз яратган махлуқотларни тафаккур қилишимиз лозим. Ана шу йўлни тутган баъзи кишилар ўз ибодатлари ва саъй-ҳаракатлари билан муайян даражага эришиши мумкин.

Набий алайҳиссалом: **“Албатта, мен сиз кўрмаган нарсаларни кўраман ва сиз эшитмаган нарсаларни эшитаман”**, деб ўша нарсалар нима эканини ҳам баён қилмоқдалар: **“Осмон ингради ва унинг инграши ҳақ эди”**. Осмон худди уловга оғир юк юкланганда, уни кўтаришда

қийналиб кучаниб овоз чиқаргандек овоз чиқарди. Осмоннинг инграшига сабаб шуки, **“Унга фаришталар тўрт панжа сиғадиган жой ҳам қолдирмай тўлдилар. Ҳаммалари Аллоҳга сажда қилиб пешоналарини қўйдилар”**. Шу издиҳом ва оғирлик осмоннинг инграшига сабаб бўлди.

“...Аллоҳга қасам, агар менинг билганимни билганингизда эди, албатта, оз кулиб, кўп йиғлар эдингиз...” Биз Ислом уммати кўп нарсаларни билмаганимиз учун кўп кулиб, оз йиғлаймиз. Аллоҳ таоло Қуръони каримда огоҳлантиради: **“Бас, қилган касблари туфайли оз кулиб, кўп йиғласинлар”** (Тавба сураси, 82-оят).

“Тўшакларда аёллар билан ишрат қилмаган бўлар эдингиз”. Чунки билмаган нарсаларимизнинг даҳшати бизни бошқача қилиб қўяди. Шу боис ҳою ҳавасни йиғиштириб қўйиб, ҳар бир нарсани меъёрида бажариш лозим. Шундагина **“...дашту саҳроларга чиқиб Аллоҳга зорланган бўлардингиз...”** сўзига риоя қилиб, Аллоҳ таолодан ўзга паноҳ йўқлигини англаб етамиз.

Фатҳ сурасининг 2-: **“(Бу фатҳ) Сиз учун Аллоҳнинг олдинги ва кейинги гуноҳларингизни кечиши... учундир”** оятига мувофиқ олдинги ва кейинги гуноҳлари афв этилган бўлса-да, Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Қани эди, кесилиб ташланадиган дарахт бўлсам”**, деб орзу қилганлар.

Бундан Пайғамбаримиз алай-ҳиссалом кўрган ва билган нарсалар жуда даҳшатли экани аёнлашади. Биз буни унутмаслигимиз лозим. Чунки мўмин киши хавф (қўрқув) ва ражо (умид) орасида бўлиши керак. Шунда Аллоҳ таоло ният ва ихлосимизга яраша мақом ва даражаларимизни кўтаради, иншоаллоҳ.

Манбалар асосида
Толибжон НИЗОМ тайёрлади.



Бандалигимга ярашмайди...

Хуросон волийси Абдуллоҳ ибн Тоҳир замонда миршаблар бир мусулмонни ўғрилиқда айблаб, волий ҳузурига олиб келдилар. Волий ишни ўргангач, уни ҳибсга олди.

Маҳбус маҳзун ҳолда намоз ўқиб: **“Аллоҳим, айбсиз эканимни фақат Сен биласан! Ёлғиз Сен мени бу балодан қутқара оласан! Ёрдам бер”**, деб дуо қилди.

Шу кеча волий туш кўрди. Тушида тўрт алпқомат одам келиб тахтини тўнкараётган экан. Ўрнидан туриб, таҳорат олди, ибодат қилди ва яна ухлади.

Бироқ яна ўша тушни кўриб, қўрқув ичида уйғонди. Дарҳол зиндон бошлиғини чақириб, у ерда бирор мазлум бор-йўқлигини сўради.

– Билмайман, – деди у. – Бироқ бир киши тун бўйи намоз ўқиб, кўзёш тўкди.

Волийнинг амрига биноан уни келтиришди. Ҳукмдор унинг сўзларини тинглаб, гап нимада эканини англади ва узр сўради:

– Сени ранжитдик, биздан рози бўл. Бу минг кумуш тангани биздан ҳадя сифатида қабул қил. Агар бирор эҳтиёжинг бўлса, тўғри ҳузуримга кел.

– Рози бўлдим, ҳадянгизни ҳам қабул қилдим. Бироқ ҳожатимни сўраш учун ҳузурингизга келмайман!

– Нега? – ҳадик билан сўради волий.

– Чунки мендек бир ғариб учун сиздек ҳукмдорнинг тахтини бир неча бор ағдарган Раббимни қўйиб, тилагимни сиздан сўрай олмайман. Бу бандалигимга ярашмайди!

Нигора АБДУМУХТОР қизи тайёрлади.

Амаллар кушандаси

Уламолар солиҳ амалларни ҳабата қилувчи, савобини йўққа чиқарувчи иллатларни санаб ўтганлар. Ҳатто бунда ақида китобларига ҳам киритганлар. Бундай иллатлардан бири риёдир.

“Риё” сўзи кўз билан кўриш, назар солиш ва одамлар кўрсин деган маъноларини англатади. **Ибн Ҳажар Асқалоний** риёни қуйидагича таърифлайди: “Риё одамлар кўриб, эгасини мақташлари учун ибодатни изҳор қилишдир”. **Имом Таҳонавий** раҳимаҳуллоҳ: “Риё – яхшилиқни бошқалар кўрсин учун қилиш. Унда ҳолис ният ва ихлос бўлмайди”, деган.

Демак, риё амалнинг аслини эмас, балки савобини ҳабата қилади. Яъни амал шариятга мувофиқ бўлса-да, унга риё аралашгани учун қабул бўлмайди. **Имом Абу Ҳанифа** раҳимаҳуллоҳ “**Фикҳул акбар**”да: “**Бирор ишга риё аралашса, унинг ажрини йўқ қилади. Шунингдек, ғурурланиш ҳам**”, деган. **Имомнинг: “Бирор ишга риё аралашса”** деган лафзидан уламолар икки хил ҳикмат олишган.



Биринчиси, киши бирор амални қилаётганида қалбига риё ораласа ва бундан кўнгли таскин топса, амали қабул, аммо унинг савоби қолмайди. **Иккинчиси**, киши амални бажариб бўлганидан кейин унинг қалбига риё ораласа, лекин дилида бу иллатга нисбатан мойиллик бўлмаса, савобни кетказмайди.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам риёни махфий ширк деб атаганлар. **Абу Саид Худрий** розияллоҳу анҳу ривоят қилади: «Биз Масиҳ Дажжол ҳақида сўзлашиб ўтирганимизда, **Набий алайҳиссалом** ҳузуримизга чиқиб: “**Сизларга Масиҳ Дажжолдан ҳам кўпроқ қўрқадиган нарсам ҳақида хабар берайми?**” дедилар. Биз: “Ҳа, эй Аллоҳнинг расули”, дедик. У зот соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “**Махфий ширк. Киши туриб биров кўриши учун намоз ўқиши**”, дедилар» (**Имом Ибн Мож** ва **Имом Ҳоким** ривояти).

Иллатлар орасида риё сингари савобни кетказувчилардан яна бири ужбдир. **Имом Ғаззолий** раҳимаҳуллоҳ: “Ужб – неъмат берувчини эсидан чиқариб, неъматга суяниб қолишдир”, деган.

Ужб ҳам риё каби салбий сифатлардан. Зеро, риёкор амалига бошқаларни уларнинг розилигини кўзлаб, Аллоҳ таолога шерик қилса, ужбчи Аллоҳ таолога ўз нафсини шерик қилади.

Уламолар яна бир нозик жиҳатга эътибор қаратади. Кишининг ибодатига риё аралашса, амалнинг барини ҳабата қиладими ё риё аралашган қисминими, ёки кучли тарафга ҳукм қилинадими, деб баҳс қилдилар. Бу ҳақда “**Мухитул Бурҳоний**” китобида қуйидагича келади: “Бир киши намозини Аллоҳ таолонинг розилиги учун бошласа, сўнг қалбига риё аралашса, намози аввалида қандай бошлаган (нимани ният қилган бўлса) шундайдир. Зеро, риёдан сақланиш мушкулдир” (**5-жилд, 314-бет**).

Юқоридаги изоҳ амалда риё ва ихлос тенг, кўп ёки кам бўлган ҳолатларни ўз ичига олади. Аммо **Имом Ғаззолий** раҳимаҳуллоҳ: “Ихлос билан риё тенг келса, иккиси ҳам ҳабата бўлади. Натижада қилган амалига ихлоси учун савоб ҳам олмайди, риёси учун азобга ҳам қолмайди”, дейди. **Изн** **ибн Абдуссалом** раҳимаҳуллоҳ: “Ихлоси риё билан тенг ёки устун келса, савобга эга бўлмайди”, дейди.

Бу ерда ўрганилиши лозим бўлган жиҳат бор. Агар риё амалнинг аслида бўлса, масалан, бир киши одамлар билан намоз ўқийди, ёлғиз қолса, ўқимайди. Шу ҳолатда амалининг аслида риё борлиги сабаб унга савоб йўқ, балки риёси учун гуноҳ бор. Агар ўқиган намози фарз бўлса, зиммасидан соқит, охиратда ундан сўралмайди. Мана шу ҳолат уламоларнинг: “Фарз амалда риё йўқ”, деган гапларининг маъноси-дир. Намози нафл бўлса, гўё у намоз ўқимагандек, риёси учун азобга дучор бўлади. Буни аллома Ибн Обидин “Раддул мухтор”да, Имом Ғаззолий “Ихёу улумиддин”да таъкидлаган.

Имом Шофеъий раҳимаҳуллоҳ бундай дейди: “Агар амалинга ушб аралашидан қўрқсанг, кимни рози қилмоқчи бўлаётганинг, қандай савобга эришмоқчи эканинг, қайси азобдан қочаётганинг қайси офиятга шукр қилаётганинг ва қайси мусибатни ёд этаётганингга назар сол. Агар шу амалларнинг бирортаси ҳақида тафаккур қилсанг, амалинг кўз ўнгингда арзимас бўлиб қолади”.

Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу ривоят қилади. «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Ичингизда ширк чумолининг ўрмалашидан ҳам махфийроқдир. Эй Абу Бакр, сени ўшанинг каттасию кичигини ҳам кетказадиган нарсанга далолат қилайми? Сен: “Ё Аллоҳ! Билган ҳолимда Сенга бирор нарсани шерик қилишдан паноҳ беришингни сўрайман ва билмасдан қилган гуноҳларимга Сендан мағфират сўрайман”, дегин**”, дедилар» (Имом Аҳмад ривояти).

Имом Бухорий номидаги
Тошкент ислом институти
“Ақоид ва фикҳий фанлар” кафедраси
ўқитувчиси **Абдуллоҳ
АБДУЛҒОФИР**
тайёрлади.

Оқ нон

Яқинда бир зиёфатда қўшни давлатдан келган меҳмон ҳам иштирок этди. У дастурхондаги тўкин-сочинликни кўриб, бир воқеани сўзлаб берди.

Ўтган асрнинг тўқсонинчи йиллари. Юртимизда 3–4 ой нотинчлик бўлиб, ҳаммаёқдан файз кетди. Егуликлар анча тортилди. Бозорлар, озиқ-овқат дўконлари хувиллаб қолган, айрим озуқалар бўлса ҳам, жуда қиммат эди. Дўконларда фақат жон бошига қора нон тарқатиларди.

Бу орада 11 яшар қизим касал бўлиб қолди. Шифокор камкувват бўлиб қолибди деб дори-дармон буюрди, яхши едириб-ичиришни тавсия этди. Шукрки, уйда озиқ-овқатдан муаммо йўқ. Ўндан ортиқ қўй-қўзилар, товук, ғоз, майизу ёнғоқча ғамлаб қўйгандим. Лекин қизимни буларга иштаҳаси бўлмади. Доим, “Дада, оқ нон ейман”, дерди. Афсуски, оқ нонни ҳеч қаердан топиб бўлмасди. Қизим ҳар сафар нон сўраганида ичимдан зил кетардим. Бир кун жондан ўтиб, битта катта қўйни сотдим. Уйдаги бор пулни чўнтакка солиб, қизимга “оқ нон топиб келаман” дея шаҳар марказига йўл олдим. Шаҳарда кирмаган новвойхоналар, дўконлар, бозорлар қолмади. Оқ нон дегани ҳеч қаерда йўқ. Айрим сотувчиларга битта қўйнинг пулини ҳам таклиф қилдим. Аммо имкони бўлмади. Шаҳардан чиқиб, қўшни вилоятга йўл олдим. Шу-шу кечгача оқ нон дея кирмаган эшигим қолмади. Уйга хориб қайтарканман, кўзимдан ёш чиқиб кетди. Қизимга нима дейишни, уни қандай хурсанд қилишни билмасдим...

Шукрки, бу кунлар ўтди-кетди. Бугун дастурхонимиз тўкин. Лекин оқ нон излаган куним кечагидек ёдимда.

Тошпўлат АШУРОВ,
Когон шахри

“СУННИЙМАН...”

дегувчи мазҳабсизлардан огоҳ бўлинг!

Таниқли ҳанафий олими ва тадқиқотчиси Мавлоно Абдулҳай Лакнавий раҳимаҳуллоҳ мусулмон одам ҳанафий бўлса ҳам, лекин бузуқ ақидали бўлиши мумкинлигидан огоҳлантириб: “Демак, қанча ҳанафийлар бор: фуруъда (яъни фикҳий масалаларда) ҳанафий, ақида жиҳатдан эса мўътазилий. Қанчадан-қанча ҳанафийлар бор, улар фуруъ жиҳатидан ҳанафий, аслида эса, муржий ёки зайдий”, деган.

Машҳур муфассир ва ҳанафий олим Абулқосим Маҳмуд Замахшарий раҳимаҳуллоҳ вафоти олдида мўътазилийликдан қайтиб, тавба қилгани манбаларда зикр этилган бўлса-да, бироқ унинг мўътазилий бўлгани ҳолда ҳанафий олими сифатида қадр топгани, ҳанафий фикҳида “Руъус ал-масоил” номли асар битгани маълум. Ҳанафий фикҳида эътибор топган “ал-Қуня”, “ал-Ҳовий”, “ал-Мужтабо” сингари фикҳий манбалар битган Нажмиддин Зоҳидий раҳимаҳуллоҳ ҳам мўътазилий бўлгани нақл қилинади.

Маҳмуд Замахшарий раҳимаҳуллоҳнинг “ал-Кашшоф” тафсири Қуръони каримга ёзилган тафсиларнинг энг машҳури ҳисобланади. Унда Қуръони каримнинг маънолари, сўз жилваланишлари, жумла тузилишлари мукаммаллиги муфассал тарзда берилган. Бироқ ўтмишда мадрасаларда ушбу тафсир охири босқичда ўқитилган. Чунки унда мўътазилийлик ғоялари сездирилмасдан акс эттирилган, деган фикр мавжуд эди. Шу вақтнинг ўзида аҳли сунна вал жамоанинг машҳур ақидавий манбаси «ал-Ақоид ал-Азудийя» ва унинг Мулла Жалол Даввоний раҳимаҳуллоҳ томонидан битилган шарҳи ўқитилган. Яъни, ақидада чалғиш бўлмасин деган мақсад бўлган. Яқин-яқингача устозлардан Асвад маҳдум ва Домла Икромча раҳимаҳуллоҳ “ал-Кашшоф”ни ўқитаётиб, “Бўяш меояд!”

(“Ҳиди келмоқда!”) деб қўяр эканлар.

Ўз даврида мўътазилийларнинг раиси бўлган Қози Абдулжаббор раҳимаҳуллоҳ амалиётда шофеъийларнинг катта фақиҳларидан бири ҳисобланади.

Ўтмишда яшаб ўтган бу ҳазратлар, гарчи бошқа эътиқодда бўлсалар ҳам, лекин ҳанафий ёки шофеъий мазҳабига сидқидилдан ва ихлос билан амал қилиб келишган. Уларнинг бу мазҳабдаги амалиётлари юзаки бўлмаган, улар Имоми Аъзам Абу Ҳанифа раҳимаҳуллоҳни чинакам ҳурмат қилганлар, мазҳабига тақлид қилишни вожиб деб ҳисоблаганлар, буни ўзларининг мўминлик бурчи деб билганлар.

Маҳмуд Замахшарий раҳимаҳуллоҳ “Навобиг ал-калим” асарида: “Илм ва дин ҳанифий ва ҳанафийдир!”, “Аллоҳнинг Ердаги қозиқлари юксак тоғлар бўлгани каби ҳанафийликнинг қозиқлари Абу Ҳанифа илмлари биландир!” ва “Буюк имомлар ҳанафийлар бўлиб, улар ҳанафий миллатнинг юганларидир” дейилган.

Огоҳ бўлайлик: айрим кимсалар одамлар кўз ўнгида, жамоат намозларида, масжидларда гўё шофеъий мазҳабига риоя қилган ҳолда намозларни адо этаётгандек ўзини кўрсатиши мумкин. Аслида-чи: у, ҳақиқатан, шу мазҳаб тартиб-қоидаларига риоя қиляптими? Балки унинг ақидаси бузуқ, аҳли сунна вал жамоадан оғишган тоифадан бўлиши мумкин.

Буюк аллома Абдулҳай Лакнавий ҳазратлари: “Бирор диёрда қадимдан ҳанафий мазҳабига риоя қилиб келинаётган, адабиётлар ҳанафий мазҳабида чоп этилаётган бўлса, шу юртда яшаётган ҳар бир мўмин-мусулмон ҳанафий мазҳабига риоя қилиши вожиб бўлади”, деган.

“Ҳанафий” деб мусулмон уммати, Ислом дини, Иброҳим алайҳиссалом ифтихор қилган мўминлик, муслимликка айтилади.

“Сохта салафийларнинг саёз сабоғи”
китобидан.

Ўзбек тилида таълиф этилган илк тафсирлар ҳақида сўз кетганда, Муҳаммад Зариф Кошғарий тафсири ҳам алоҳида тилга олинади. Бироқ бу ҳақда ўзбек тилидаги адабиётларда деярли маълумот учрамайди.

Ўзбек тилидаги энг йирик тафсир

Муфассир, қори Муҳаммад Зариф Кошғарий 1872 йили Тошкент шаҳрида туғилган. Қори Муҳаммад Зариф Ғулжа шаҳрида фаолият юритган, 1959 йилда шу ерда оғир хасталик туфайли вафот этган.

Олим дастлабки таълими Бухоро мадрасаларида олади. Кейинчалик Кошғарга кўчиб боргач, ўзбек тилида Қуръони карим тафсирини ёзишни бошлайди. Тафсирнинг фақат 30-жузи Кошғар шаҳрида 1937 йилда нашр қилинган. Нашр қилинмаган қўлёзма нусхаси Шарқий Туркистоннинг Ғулжа шаҳрида сақланади. Ушбу нашр Қатар пойтахти Доҳа шаҳрида “Али ибн Али” нашриётида офсет босма усулида 1987 йилда 2000 нусхада чоп этилган.

Туркиялик баъзи тадқиқотчилар Муҳаммад Зариф Кошғарий ва унинг тафсири ҳақида қуйидаги маълумотларни келтиришади: «Муҳаммад Зариф суралар тафсирини бошлашдан олдин суранинг қаерда нозил бўлгани, нозил бўлиш сабаби, сурадаги оят ва ҳарфлар сони ҳақида маълумот беради. Масалан, Наба сурасини тафсир қилар экан, бундай келтирилади: “Ан-Наба сураси Маккада нозил бўлган, 40 та оят, 130 та сўз, 690 та ҳарфдан иборат”. Шу билан бирга муфассир айрим суралар тафсирида фақат сура нозил бўлган жой ва оятлар сони ҳақида баён қилиб, агар суранинг нозил бўлган жойи ҳақида ихтилоф бўлса, алоҳида маълумот бериб ўтади. Баъзи суралар тафсирининг охирида тафсир тамомланган вақт кўрсатилиб, баъзида тугалланган сана кўрсатилмай,

дуо билан якунланган.

Муҳаммад Зариф тафсирида дастлаб оятнинг арабча матнини келтириб, кейин маъноларини ўзбек тилига таржима қилади. Агар оятнинг нозил бўлиш сабаби мавжуд бўлса, уни баён қилади».

Тафсирда Пайғамбари-миз алайҳиссалом ҳадисларига, саҳоба ва тобеинларнинг қарашларига алоҳида эътибор берилган. Жумладан, Ибн Аббос, Ибн Масъуд, Ибн Зубайр, Мужоҳид, Қатода, Ибн Жарир Табарий, Фахриддин Розий, Қози Байзовий каби машҳур олимларнинг қарашлари тез-тез учрайди.


Бундан ташқари, Муҳаммад Зариф ўз тафсирида Ислом илмларининг барча мавзуларига, фикҳ, калом, ҳадис, усул, луғат,

наҳв, қироат, араб, форс ва уйғур шеърияти, риторика каби илм-фаннинг турли соҳаларига мурожаат қилган.

Таъкидлаш жоиз, ушбу тафсир равон тили, илф-фаннинг барча соҳаларини қамрагани, ҳар бир суранинг шарҳи кенгроқ ёритилгани билан ажралиб туради. Шу билан бирга, тафсирнинг Ғулжа шаҳрида мавжуд дейилган бошқа қисмлари ҳам тафсири “Аъмма ятасаалун” каби 735 саҳифали китоб эканини инобатга олсак, ушбу тафсир ҳажм жиҳатидан бошқа ўзбек тилидаги тафсирлардан анча катта экани маълум бўлади.

Бахтиёр СОДИҚОВ,

Ўзбекистон халқаро ислом академияси
магистранти



Тавбаси қабул қилинган саҳоба



Ансорлик саҳоба Каъб ибн Моликнинг ҳаёти ажойиб ва сидқ-ростгўйлик ила зийнатланган бир қиссадир. Бу қиссани ҳеч ким унинг ўзичалик ички ҳис-кечинмалари билан тўлиқ ва батафсил баён этиб бера олмайди. Бу саҳоба найзаси ва тили билан Исломни ҳимоя қилди. Аллоҳ таоло у билан шериклари ҳақида эртаю кеч доимо тиловат қилинадиган оятни нозил қилдики, бу тиловат қиёматгача давом этажак. У “Расулуллоҳ алайҳиссаломнинг шоири” деган рутбага сазовор бўлди.

Каъб айтади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам чиққан ғазотлардан бирортасида орқада қолиб кетмаган эдим. Биргина Табук ғазотида шундай бўлиб қолди. Бир вақт Расули акрам билан саҳобалари йўлга отландилар. Ҳар қанча изларидан етиб оламан десам ҳам, бу иш менга насиб этмаган экан. Сўнг бу ишимдан ғам-қайғуга ботдим. Уйимдан чиқиб, одамлар орасида бўлсам, ғамим яна зиёда бўлаверарди. Табукка етиб бормагунча Расули акрамнинг эсларига тушмабман. У ерга етганларида Каъб ибн Моликка нима бўлди, деб сўрабдилар.

Бир куни у зот Мадинага қайтаётганларини эшитиб, бадтар хунобим ошди. Ўзимга-ўзим у зотга қандай узр айтаман, эртага ғазабларидан қандай қутуламан,

дердим. Мадинага яқинлашиб қолибдилар, деган гапни эшитганимда баҳона топиш ниятим мендан чекинди. Билдимки, ҳеч қачон ёлғондакам бир баҳонани тўқиб, у зотнинг ғазабидан қутулолмайман, нима бўлса бўлди, борини ва ростини сўзлашга қарор қилдим. Расулуллоҳ алайҳиссалом бирор жойдан қайтсалар, масжидга кириб, у ерда икки ракат намоз ўқиб олардилар. Намозни адо этиб бўлганларидан сўнг менга ўхшаб ғазотга бормай қолганлар у зот ҳузурларида қасам ичиб, узрларини айтишди. Улар саксон киши атрофида эди. Расулуллоҳ узрларини қабул қилиб, улар учун мағфират сўрадилар. Мен ҳузурларига бориб салом берганимда табассум қилдилар. Сўнг яқинроқ кел, дедилар. У зотнинг олдиларига яқинроқ борганимда:

– Эй Каъб, сен нега чиқмадинг? Сен ўзингга улов сотиб олмаганмидинг? – дедилар.

Мен бу гапдан довдираб:

– Аллоҳга қасамки, эй Аллоҳнинг Расули, агар сиздан бошқа кишилар олдида ўтирганимда ўйлаб топган узримни айтиб, ғазабидан қутулиб қолган бўлардим. Мен шуни аниқ билдимки, бугун сизни рози қилиш учун ёлғон гапирсам, Аллоҳнинг ғазабига йўлиқаман. Агар сизга ростини айтсам, сиз қилган ишимдан ғазабланасиз.

Албатта мен бунда Аллоҳнинг афвини умид қиламан. Аллоҳга қасамки, эй Аллоҳнинг Расули, қилган ишим учун айтадиган бирор бир тайинли узрим йўқ. Бу ғазотга чиқишга куч ва имконим етарли эди, – дедим. Шунда Расулуллоҳ: “Аммо бу рост гапирди”, деб менга: “Боравер, токи Аллоҳ сен ҳақингда бирон ҳукм чиқармагунча, кўзимга кўринмай тур”, дедилар. Мен масжиддан чиқиб кетдим.

* * *

Орадан кўп ўтмай Расулуллоҳ ғазотга бормаи қолганлардан мен билан яна икки киши билан гаплашишни ман қилиб қўйдилар. Одамлар биздан ўзларини тортиб, муомалалари ўзгариб қолгач, бутун қўлоғимдан мадор кетди. Шу ҳолатда эллик кун ўтди. Икки шеригим кун бўйи ўз уйида вақтларини йиғлаб ўтказишарди. Мен ёш ва ғайратли эдим. Мусулмонлар билан намозга чиқар, бозорларни айланиб юардим. Лекин менга ҳеч ким бир оғиз чурқ этмасди. Шу билан ўйламаган, тушимга ҳам кирмаган ишлар бўлиб ўтди. Мен ўзимча бошим оққан тарафга кетаверар эдим. Тўсатдан Шом аҳлидан бўлган Ироқ диёрида яшайдиган бир набатий (набтга мансуб киши): “Ким Каъб ибн Моликни кўрсатиб қўяди?” деб қолди. Одамлар мен томонга ишора қилишди. У эскидан танишимдек олдимга келиб, Ғассон подшоҳининг мактубини узатди. Мактубни очиб қарасам, унда: “Аммо баъд. Менга соҳибинг сенга қилган жафолар хабари етиб келди. Бизга қўшил, биз сенга қарашамиз”, дейилган эди. Мактубни ўқигач, бу ҳам бир бало бўлди, дедим. Сўнг мактубни ёнимда ёниб турган тандирга ирғитдим.

* * *

Аммо қирқ биринчи куни Расулуллоҳ ҳузурларидан бир киши келиб: “Расулуллоҳ сенга хотинингдан узоқ бўлишингни буюрдилар”, деб қолди. “Мен уни талоқ қилайми ёки нима қилай?” дедим. У, йўқ, ундан узоқ бўл, унга яқинлик қилма, деб тайинлади. Икки шеригимга ҳам шундай амр юборилди. Буни эшитиб аёлимга: “Аллоҳнинг Ўзи бу ишни бир ёқли қилмагунча ота-онанг олдига бориб, улар билан яшаб тур”, дедим.

У ота-онаси олдига кетди. Яқинларимдан бири менга сен ҳам Расули акрамдан аёлинг тўғрисида изн сўрасанг бўларкан, деди. Ҳилол ибн Умайяга рухсат берганларида сенга ҳам изн бўлиб қолар, дейишди. Мен ҳеч қачон бундай қилмайман. Мен ёш бўлсам, Расулуллоҳ менга нима дейдилар, билмасам, дедим.

Эллагинчи кун бомдодни ўқигандан кейин бир жарчи баланд овозда: “Эй Каъб ибн Молик, хушхабар, эй Каъб ибн Молик, хушхабар”, деб қолди. Бу хабарни эшитган заҳоти дарров чўкка тушиб Аллоҳга сажда қилдим. Менга яхшилик етганини билдим. Одамлар мендан суюнчи олгани кимўзарга югуриб қолишди. Энг олдингиси отда етиб келди. Икки шеригим олдига ҳам суюнчи сўраб боришибди. Суюнчига устимдаги кийиб юрган кийимимни ечиб бердим. Ўша чоғда суюнчига бериш учун ёнимда бошқа нарсам йўқ эди. Иштон-кўйлакни бировдан омонатга олиб кийдим-да, Расулуллоҳ алайҳиссалом томон югурдим. Одамлар йўл-йўлакай мени тўда-тўда бўлиб, бағирларига босиб, тавбам қабул бўлгани билан табриклаб: “Эй Ибн Молик, Аллоҳ тавбангни муборак қилсин”, дейишди. Мен у зотга салом берганимда, юзлари сурурдан ял-ял ёниб: “Эй Каъб, онадан туғилганингдан бери кўрмаган яхшиликдан шод бўл”, дедилар. Мен: “Бу яхшилик сизданми ёки Аллоҳ азза ва жалладанми?” дедим. У зот: “Албатта Аллоҳдан”, дедилар. Мен: “Тавбам қабул бўлганидан барча молимни Аллоҳ ва Унинг Расули учун садақа қилдим”, дедим. У зот: “Молингдан бир қисмини олиб қолсанг, ўзингга яхши бўлади”, дедилар. Мен: “Ундай бўлса, Хайбардаги улушимдан қолган барча молимни садақа қиламан. Эй Аллоҳнинг Расули, Аллоҳ мени ростгўйлигим туфайли бу балодан қутқарди. Яна тавбамга белги шуки, то ўлгунимча ҳеч қачон ёлғон гапирмайман” дедим».

Расулуллоҳнинг шоири Каъб ибн Молик Ансорийдан Аллоҳнинг Ўзи рози бўлсин.

Манбалар асосида
Бобомурод ЭРАЛИ тайёрлади.

“ИНСТАСАМКА”

ва “инстасамис”га айланаётган ёшлар фожиаси

Миллатнинг таназзулга юз тутуши, жамиятда бегоналашув, виртуаллашув, “мен концепцияси” каби иллатларни ёшлар онгига сингдиришининг янги усул ва механизмларини тарғиб қилаётганлар кимлар ва биз фарзандларимизни улардан қандай ҳимоя қилишимиз керак?

Бу ҳақда Республика Маънавият ва маърифат маркази ҳузуридаги Ижтимоий маънавиятдақиқотлар институти кичик илмий ходими, Ўзбекистон миллий университети таянч докторанти **Нигора ҲУСАНОВА** билан суҳбатлашдик.

– Бугун Фарбда тарқалаётган инсонийликка зид ғояларини фарзандларимиз учун фожиали жиҳатлари ҳақида гаплашсак...

– Ёшлар орасида Фарбнинг виртуал оламдаги мавқеи орқали турмуш даражасини енгиллаштириш каби ёт ғоялари қисқа вақт ичида Ўзбекистонга ҳам кириб келди. Жамиятда ҳеч қандай ақлий ёки жисмоний меҳнатларсиз ҳам осон даромад топиш деган ғоя аксарият ёшларнинг онгини эгаллади.

Бунга ижтимоий тармоқлар орқали танилган “Инста-юлдузлар” томонидан тармоққа жойланган ва бугунги кунда кишилар ўртасида урфга айланаётган “МЕМ”лар мисол бўлади. “МЕМ” – ижтимоий тармоқларда машҳур сўз, ибора, сурат, видео ёки аудиоларнинг одамлар орасида ҳеч қандай ўзгартиришларсиз маданий ахборотларнинг бирлигини англатувчи тушунча бўлиб, ёшлар ўртасида

оммалашган. Ушбу “МЕМ”лар, бир қараганда, миллий мерос ва миллатнинг қадриятига ҳеч қандай зарари йўқдек кўринса-да, аста-секинлик билан жамиятнинг, миллатнинг тили, дини, эътиқоди, қадрият ва анъаналарини емириб, йўқ қилиб юборади. Чунки маълум бир ёшлар гуруҳи томонидан ўйлаб топилган бирор-бир “қилиқ” ёки “ҳаракат” унинг мазмун-моҳиятини англаб-англамай туриб, Ер юзидаги ёшлар ўртасида оммавий тақлид воситасига айлантирилади. Масалан, “атанистлар” белгисини TikTok, YouTube, Instagram каналларида МЕМ ва челленж даражасида тарқатиш миссияси тўғрисида кўпчилик ота-оналар маълумотга эга эмас.

– “Сатанист” ўзи нима, бу белгининг тарқалиши ёки ёшлар такрорлашининг қандай салбий жиҳатлари бор?

– “Сатан” сўзи инглиз тилидан олинган бўлиб, “жин”, “шайтон”, “иблис” деган маъноларни англатиб, Ер юзидаги инсонлар орасида иблисга хизмат қилувчи ва инсониятни тўғри йўлдан оздирувчи, иймон-эътиқодини йўқ қилишга қаратилган ҳаракат ҳисобланади. Бу оқим бўйича АҚШнинг Калифорния штатида Антон Левий томонидан илк бор “шайтон черкови” барпо этилган. У “Сатан инжили” номли китоб муаллифи ҳисобланади. Бу йўналиш вакиллари сатанизм ва атеизм тарафдорлари билан бирга ҳаракат олиб боради, уларнинг бош ғояси “дунёни шайтон бошқаради”, деган ақидадир.

Уларнинг Ер юзида тарқалиши ва фаолиятининг энг беозор йўли сифатида мусикий йўналиш танланган. Бундан ташқари, кичик ва қисқа лавҳалардан унумли фойдаланиш



орқали ўзларининг “сатан белгиси” лавҳанинг қайсидир қисмида бармоқлари билан намоёиш этишади. Бу белгини асосан оммавий рок, металл ва хеви йўналишидаги мусикий концерт дастурларида уларнинг севимли қўшиқчилари томонидан намоёиш этилади ва мухлислар ўзи билмаган ҳолда ушбу ҳаракатларни такрорлайди. Бу гуруҳ фаоллари носоғлом муҳитда тарбия топган оиланинг ота ёки онаси ташлаб кетган, гиёҳванд, ичкиликка ружу қўйган нотинч оила фарзандларидан ташкил топган.

Иймон-этиқодга ҳужумларнинг аксарияти 13–19 ёшгача бўлган болаларда, инсонийлик, раҳмдиллик, меҳрибонлик, беғуборлик, меҳр-муҳаббат каби хислатларини 2–14 ёшгача бўлган болаларда йўқ қилиш учун ҳаракат бошлаб юборилган.

Бугун уларнинг TikTok ва YouTube платформаси орқали қисқа сонияли “Кўк бошли махлукча йўқолди? У шу ерда эмасми?” кўринишидаги роликлари “MEM”га айланиши ҳамда “челленж”ларнинг оммалашиб бориши орқали болалар учун турли ахлоқий бузуқ ўйинчоқларни оммалаштириш ёки севимли ўйинчоққа айлантириш учун ҳужумлар уюштирилмоқда.

– Хўш, болалар ўртасида бундай “поп” ва антистресс” ўйинчоқларини оммалаштиришдан асосий мақсад нима?

– Мақсад боланинг гўдаклигидан онгига “стресс” сўзини жойлаш ва шакллантиришдир. Ўйлаб кўринг, 3–7 ёшли болада қандай асабий тушкун ҳолат бўладики, уни антистресс ўйинчоқлар билан бартараф этиш лозим бўлса.

Этибор бериб қарасак, Америка ижодкорлари томонидан яратилган фильм ва мультфильмларда, ҳатто қўшиқларида ҳам руҳий касалликлар билан қаҳрамонларнинг қийналиши тўғрисида лавҳалар тез-тез учраб туради. Бу ҳам ёшларни ўзига оғдиришнинг бир йўлидир.

– Кейинги пайтда инсоний фазилатлар ўрнини жамиятдан бегоналашув, муносабатларнинг виртуаллашуви эгаллаб олмаяптими?

– Ҳақсиз, албатта. Кишиларнинг реал оламдан кўра, виртуал оламдаги фаолият жараёнининг ортиб бориши оқибатида эркак жинс вакиллари билан тенг ҳуқуқлилики бирдек даъво қилувчи “инстасамка”лар ҳам бугунги кунда ўзининг аёллик шаъни ва кадр-қимматларини бир четга суриб, енгил ҳаёт ва осон пул топиш мақсадида ўзини турли кўринишларда намоён қилишмоқда. “Инстасамка” — “Instagram” сўзининг қисқартмаси “Инста” (инглиз тилида) – фото ва видеоларни алмашиш учун Америка ижтимоий тармоғи, “самка” эса “аёл”, “урғочи” деган маъноларни англатади. Шу ном остида фаолият юритувчи аёллар гуруҳи TikTok, Instagram, YouTube платформаларида фаолият олиб боришмоқда. Авваллари йигитларимизни Алп ўғлон, Баҳодир, Алпомишга, қизларимизни эса Тўмарису Барчинга қиёслаган бўлсак, замонамиз қизлари энди “инстасамка”, йигитларимиз эса “инстасамис, инстаАлфа, хейтир” каби номлар остида ғурур билан фаолият олиб боришмоқда.

Оммавий маданият Ғарбни ўз домига тортиб кетди, аммо кейинги навбат Шарқ мамлакатлари эканини ҳамма бирдек англаб етмаяпти. Бу фақат кийиниш маданияти билан эмас, унда оила, фарзанд, этиқод, шахснинг ўзлигини англаш масалаларига янгича ёндашув – инсон ўз танаси уники ёки уники эмаслиги тўғрисидаги муаммолар, “Мен концепцияси”, девиант ҳулқ-атвор, кибержиноятчилик, гиёҳвандлик вабоси, одам савдоси, суицид муаммоларидан ташқари, энг оғриқли нуқтаси – инсонлар ўртасидаги меҳр-мурувват каби маънавий қадриятларнинг йўқолишига олиб келмоқда.

– Фарзандларимизни мана шундай ёт мафкуралардан омон сақлаш учун нималарга этибор беришимиз керак?

– Бунинг учун таълим ва тарбия жараёнида хотиржамликка берилмаслик талаб этилади. Шу ўринда Президентиимиз Шавкат Мирзиёевнинг: «Агар биз ёлғон ғояга алданганларни ўз ҳолига ташлаб қўядиган бўлсак, эртага четда пайт пойлаб турган қабиҳ ёв келиб, уни ўз ортидан етаклаб кетмаслигига ким кафолат беради?» деб куюниб айтган фикрлари барчамизни хушёр торттириши лозим. Ҳақиқатан ҳам шундай. Қачонки биз оилада фарзанд учун соғлом муҳитни шакллантириб бера олсак, келиб чиқиши мумкин бўлган муаммоларнинг олдини олиш осонроқ бўлади.

Нигора РАҲМОНОВА суҳбатлашди.

ЎЗА

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

وَاعْبُدُوا اللَّهَ وَلَا تُشْرِكُوا بِهِ شَيْئًا وَبِالْوَالِدَيْنِ إِحْسَانًا وَبِذِي الْقُرْبَىٰ وَالْيَتَامَىٰ
وَالْمَسَاكِينِ وَالْجَارِ ذِي الْقُرْبَىٰ وَالْجَارِ الْجُنُبِ وَالصَّاحِبِ بِالْجَنْبِ وَابْنِ السَّبِيلِ وَمَا
مَلَكَتْ أَيْمَانُكُمْ إِنَّ اللَّهَ لَا يُحِبُّ مَنْ كَانَ مُخْتَلًا فَخُورًا ﴿٣٦﴾

Аҳиллик ва бирдамлик асоси

«Аллоҳга ибодат қилингиз ва Унга ҳеч нарсани шерик қилмангиз! Ота-оналарга эса яхшилик қилингиз! Шунингдек, қариндошлар, етимлар, мискинлар, қариндош қўшнию бегона қўшни, ёнингиздаги ҳамроҳингиз, йўловчи (мусофир)га ва қўл остингиздаги (қарам)ларга ҳам (яхшилик қилинг)! Албатта, Аллоҳ кибри ва мактанчоқ кишиларни севмайди» (Нисо сураси, 36-оят).

Аллоҳ таоло ояти каримада бандаларини ўнга яхши амалга буюрмоқда. Уларни адо этиш билан жамиятда соғлом муҳит ҳукм суради, одамлар орасида ўзаро иттифоқлик, ҳурмат ва оқибат юзага келади.

Биринчидан, ёлғиз Аллоҳ таолонинг Ўзига ибодат қилиш, Унга бирор нарсани шерик қилмаслик. Аллоҳни таниган, Унга холис ибодат қиладиган кишидан ҳеч қачон ёмонлик чиқмайди. Чунки Ислом динида буюрилган барча ибодатларни ихлос ва эътиқод билан адо этадиган инсон гўзал ахлоқу одобларни эгаллаб боради. Аллоҳ таолога ширк келтириш гуноҳларнинг энг каттаси бўлиб, у сабабли киши иймонидан айрилади. Натижада қилган барча тоат-ибодатлари, солиҳ амаллари бесамар ва зое кетади. Аллоҳ таоло Ўзига ширк келтирган ҳолда, тавба қилмай вафот этган кишини кечирмайди: **«Албатта, Аллоҳ Ўзига ширк келтириш (гуноҳи)ни кечирмагай ва (лекин) ана шундан бошқа (гуноҳлар)ни Ўзи хоҳлаган (банда)ларидан кечирур. Ким Аллоҳга ширк келтирса, демак, у**

улкан гуноҳни тўқиб чиқарибди» (Нисо сураси, 48-оят).

Иккинчидан, ота-онага яхшилик қилиш. Фарзанднинг зиммасида ота-онасининг ҳақи жуда кўпдир. Ота-онага яхшилик қилишга буюрувчи оятлар Қуръони каримнинг бир неча сураларида келган. Афсуски, баъзи бир ноқобил фарзандлар ота-оналарини кексайиб қолган вақтларида қаровсиз қолдиради, баъзилари эса уларни боқиш ва парвариш қилишдан ор этиб, қариялар уйига элтиб қўяди.

Учинчидан, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Ким ризқи мўл, умри узоқ бўлишини хоҳласа, силаи раҳм қилсин”**, деганлар (*Муттафақун алайҳ*). Қариндошлар билан алоқани узиш оғир гуноҳ. Набий алайҳиссалом: **“Қариндошлик риштасини узган одам жаннатга кирмайди”**, деганлар (*Муттафақун алайҳ*). Албатта, ҳар бир мусулмон жаннатга киришни умид қилади. Демак, жаннатга киришни хоҳлаган инсон қариндошлар билан борди-келди қилиши,

қўлидан келганича уларга ёрдам бериши лозим.

Тўртинчидан, етимларга яхшилик қилиш. Етимлар жамиятдаги ожиз ва ҳимоясиз тоифадир. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Мен ва етимни кафиллигига олган киши жаннатда мана шундай (яқин) турамиз”**, деб кўрсаткич ва ўрта бармоқлари орасини озроқ очиб кўрсатдилар (Имом Бухорий ривояти).

Бешинчидан, мискинларга яхшилик қилиш. Расули акрам алайҳиссалом: **“Мискин – инсонлар орасида (тиланчилик қилиб) юрадиган, бир-икки луқма ёки бир-иккита хурмо бериб, қайтариладиган кимса эмас. Балки мискин эҳтиёжини қоплайдиган нарсаси бўлмаган киши-дирки, одамлар унинг (бундай) аҳволидан воқиф эмаслиги боис унга садақа бермайдилар, унинг ўзи ҳам туриб одамлардан тиланчилик қилмайди”**, деганлар (Муттафақун алайҳ). Демак, мискинни топиш, ҳақиқатан мискин эканини аниқлаш бироз мушкул. Ҳозир кўча-кўйда, чорраҳаларда туриб, тиланчилик қилаётганлар ҳақиқий мискинлар эмас. Хайр-эҳсон қилмоқчи бўлганлар ҳақдор кимсаларни топиб берганлари яхши.

Олтинчидан, қариндош қўшнига яхшилик қилиш. Ҳадислардан бирида қариндош қўшнининг бегона қўшнига нисбатан ҳақи икки ҳисса эканини, унинг ҳам қариндошлик, ҳам қўшнилик ҳақи борлигини таъкидлаганлар. Шунинг учун ояти каримада қариндош қўшни бегона қўшнидан олдин зикр қилинмоқда.

Еттинчидан, бегона қўшнига яхшилик қилиш. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Жаброил алайҳиссалом менга қўшнига яхшилик қилишни шу даражада кўп тайинладиларки, ҳатто мен унинг меросхўр бўлиши ҳақида ваҳий тушармикан деб ўйлаб қолдим”**, деганлар (Муттафақун алайҳ).

Саккизинчидан, яқин ҳамроҳларга яхшилик қилиш. Муфассир уламолар “яқин ҳамроҳ” жумласини аҳли аёл, доимий

ҳамроҳ, ошна, оға-ини, меҳмон каби маъноларда тафсир қилишган. Барчасини умумлаштирган ҳолда айтиш мумкин, киши кундалик ҳаётида унга ҳамроҳ бўладиган инсонларга яхшилик қилиши лозим. Хоҳ у оилада бўлсин, хоҳ кўчада, хоҳ ишда бўлсин, хоҳ ўқишда инсонлар билан яхши муомала қилиши, қўлидан келганича улардан яхшилигини аямаслиги даркор. Зеро, ҳар жойда инсонлар бир-бирларига ёрдам бериб, самимий муомалада бўлсалар, албатта, жамиятда тинчлик, тотувлик ҳукм суради.

Тўққизинчидан, йўловчи-мусофирга яхшилик қилиш. Ўз ватанига қайтиш учун маблағи йўқ мусофирга ёрдам бериш лозим. Бирор юмуш билан бегона юртга келган кимсага йўл кўрсатиб юбориш, оғирини енгил қилиш, яхши муомала билан унинг кўнглини кўтариш керак.

Ўнинчидан, қўл остингиздагиларга яхшилик қилиш. Қўл остидагиларга яхшилик қилиш деганда уларнинг меҳнатларини қадрлаш, қилган хизматлари учун вақтида ҳақ тўлаш тушунилади. Корхона раҳбарлари ходимларнинг лаёқатига қараб иш тақсимлаши, иқтидорлиларини рағбатлантириб туриши ҳам шулар жумласидандир.

Мазкур оятда жамиятдаги деярли барча тоифа инсонлар зикр қилиб ўтилган ва барчасига бирдек, яхшилик қилишга, яхши муомалада бўлишга буюрилади.

«...Албатта, Аллоҳ кибрли ва мақтанчоқ кишиларни севмайди». Бу оятда икки сифатнинг зикр қилинишига сабаб шуки, айнан улар, инсонни қариндошларига, яқинларига ва оятда санаб ўтилган бошқа тоифаларга яхшилик қилишдан тўсади. Оқибатда, инсон Аллоҳ таолонинг раҳматидан, мағфиратидан бенасиб, У севмайдиган бандалар тоифасига кириб қолади. Аллоҳ таоло барчамизни ёмон оқибатлардан асрасин.

Абдуқаҳҳор ЮНУСОВ,

Тошкент шаҳар бош имом-хатиби

Ассалому алайкум ва
рахматуллоҳи ва
баракотух.

СЎРАГАН ЭДИНГИЗ...



САВОЛ: Турли диндаги эркак ва аёлдан туғилган фарзандлар қайси динда бўлади?

ЖАВОБ: Мусулмон аёл бошқа диндаги киши билан турмуш қуриши мумкин эмас. Мусулмон киши насроний ёки яҳудий динида бўлган, ифбатли, иболи аёлга уйланиши мумкин.

Бу ҳақда Қуръони каримда бундай дейилган: «Зинокорлик ва махфий ўйнаш қилиб олмаган ҳолда маҳрларини бериб, мўмина аёлларнинг ифбатлиларига ва сизлардан олдин Китоб берилганларнинг ифбатли аёлларига (уйлансангиз ҳалолдир)...» (Моид сураси, 5-оят).

Улар кўрган фарзанд Ислом динида бўлади.

САВОЛ: Бугунда жуда кўплаб газета ва журналларда оятлар, ҳадиси шариф ёки Аллоҳнинг гўзал исмлари, шунингдек, ҳар хил ривоят ва ибратли ҳикоялар ёзилган. Албатта, бу ишлар ёшларимизнинг диний билимлари ошишига хизмат қилади. Лекин айрим кимсалар бу саҳифаларни нопок жойларга ташлашяпти. Ўша қоғозларни ўқиб бўлгандан сўнг нима қилиш керак?

ЖАВОБ: Ҳақиқатан, бугунги кунда кўплаб газета ва журналларда оятлар, ҳадиси шариф ва умуман динимизга доир мақолалар чоп этилиши олдингига нисбатан сезиларли даражада кўпайди. Бундай газета, журнал ва қоғозлар ўқиб бўлингач, уларни сақлаб қўйиш ёки одамлар босмайдиган ер-

га кўмиш лозим. Аммо зинҳор кўчага улоқтириш ёки у билан бирор нарсани ўраш ё ундан дастурхон ўрнида фойдаланиш мумкин эмас. Акс ҳолда, илоҳий калималарга нисбатан ҳурматсизлик қилинган бўлади.

САВОЛ: Дуо қилишда қўлларни кўтариб, юзга суртиш ҳадисларда ворид бўлганми?

ЖАВОБ: Ҳа, бу ҳақда кўплаб ҳадислар ривоят қилинган. Ҳазрат Умар розияллоҳу анҳу ривоят қилади: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дуога қўл кўтарсалар, уни юзларига суртмасдан туширмас эдилар” (Имом Термизий ривояти).

Анас розияллоҳу анҳу айтади: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дуога қўл кўтарганларида қўлтиқларининг оқлиги кўриниб турарди” (Имом Байҳақий ривояти). Саҳл ибн Саъд розияллоҳу анҳу ривоят қилади: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дуо қилсалар, қўл бармоқларининг учлари елкалари баробарида бўларди” (Имом Байҳақий ривояти).

Соиб ибн Язид розияллоҳу анҳу айтади: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дуо қилсалар, қўл кўтарар, кейин юзларига суртар эдилар” (Имом Байҳақий ривояти).

САВОЛ: Шайтон зурриётлари тўғрисида кўп эшитганман. Лекин улар нима қилади, инсонни қандай йўлдан оздиради, шу каби саволлар мени қийнайди.

ЖАВОБ:

Ҳазрат Умар розияллоху анҳу айтади: “Шайтон зурриётлари тўққиз хилдир. 1. Залитун, 2. Васийн, 3. Лақус, 4. Аъвон, 5. Ҳаффоф, 6. Мурра, 7. Мусаввит, 8. Досим, 9. Валҳон.

Залитун бозордаги инсонларни йўлдан уради. Васийн мусибат чоғи васваса қилади. Аъвон салтанат ишида султонга васваса қилади. Ҳаффоф маст қилувчи ичимлик ичганида йўлига солади. Мурра сурнай чалганда шериклик қилади. Лақус ўт-оловда шериклик қилади. Мусаввит ёлғон хабарлар таркатади. У тарқатган хабар оғиздан-оғизга кўчиб юради, аслида у хабарнинг асли йўқ. Досим эр-хотин ораларига низо солиб талоқ, жанжал, уруш каби ҳолларга ташвиқ қилади. Валҳон таҳорат, намоз ва бошқа ибодатларда васваса қилади”.

САВОЛ:

Қабристонга борган айрим кишилар қабр атрофида айланиб, марҳумдан мадад сўрайдилар. Қабрларни зиёрат қилиш одоблари ҳақида маълумот берсангиз.

ЖАВОБ:

Қабрларни зиёрат қилиш жоиз. Қабр зиёрати ўйин-кулги учун, одамларга қўшилиб бориб, кўриб келиш, томоша учун бўлмаслиги керак. Инсон қабрларда ётганлардан ибрат олиши керак.

Қабрлар зиёратига борганда таҳоратли бўлиш мустаҳабдир. Аслида мўмин-мусулмон ҳамма вақт таҳоратли юриши афзал.

Қабристонга кириб келганда умумий қилиб қабристонда ётган мусулмонларга салом берилади. Зиёрат қилмоқчи бўлган қабри олдида келганда, унинг қибла тарафига ўтиб, орқани қиблага, юзни эса қабр томонга қаратиб, қабр аҳлига салом берилади. Бу Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи ва салламдан қолган мўътабар одатдир. Жумладан, у зоти шариф қабристонга борганларида: **“Ассалому алайкум, мўмин ва мусулмонлар диёри аҳли! Биз Аллоҳ хоҳласа, сизларга етишимиз. Аллоҳдан ўзимизга ва сизларга офият сўраймиз”**, деганлар. Кейин Қуръондан билган сура ёки оятларини ўқиб, қабристон аҳлига, ўзи зиёрат қилаётган қабрдаги кимса руҳониятига савобини бағишлайди.

Ўликлар ёрдам беришга қодир эмас. Улардан мадад ва ҳожатларни раво етишишни сўраш ширқдир.

Зиёрат вақтида қабрларни ўпиш, уларни кучоқлаш, юзга суртиш каби амаллар макруҳи таҳримий, яъни ҳаромга яқин макруҳ ҳисобланади. Қабр атрофини айланиш эса, мутлақо ҳаром. Қабрлар олдида чироқ ёки шамлар ёқиш, уларнинг ёнида қўйлар сўйиш, ҳар хил латталар боғлаш ҳам шаръан ҳаром.

САВОЛ:

Бармоқларни қирсиллатиш ёмон одатми?

ЖАВОБ:

Бармоқларни қирсиллатиш макруҳ, одобсизлик, ҳатто шайтонга тасбеҳ айтиш ҳам дейилган.

САВОЛ:

Жума намозининг хутбасини бошқа киши, фарзини бошқа имом ўқиши жоизми?

ЖАВОБ:

Жуманинг хутбасини ўқиган киши жуманинг фарзини ҳам ўқиб бергани яхши. Чунки жума намози билан жума хутбаси гўё биттадир. Бордию хутбани ва фарзни бошқа-бошқа одам ўқиса ҳам жума намози дуруст бўлади. Лекин бундай қилмаган афзал (**“Дурарул ҳуккам”**).

САВОЛ:

Таҳорат қилаётганимда ювиладиган аъзолар ўрнини алмаштириб юбораман. Шунинг ҳукминима?

ЖАВОБ:

Ҳанафий мазҳабимизга кўра, таҳоратда ювиладиган аъзоларни Қуръони каримда келган тартибга кўра навбати билан ювиш суннат ҳисобланади. Бордию унутган ҳолда тартиб бузилса, таҳорат дуруст бўлади, аммо суннат тарк этилган бўлади.

САВОЛ:

Овқатланаётганимизда, ошхона ходимларидан таом гўштининг ҳалоллигини сўраш керакми ёки овқатни “Бисмиллаҳ” деб еяверсак бўладими?

ЖАВОБ:

Гўшт ҳалол бўлиши учун жонивор сўйилаётганда “Бисмиллаҳ” айтилиши шарт. Овқат ейиладиганда “Бисмиллаҳ”ни айтиш кифоя эмас.

**Ўзбекистон мусулмонлари идораси
Фатво маркази (78) 150-33-44.**

Жонини берса беради,

**«Атомиздан меҳрибон Тангримиз
жалла ва таоло Куръони каримда
“Ла тулқув биайдикум илат таҳлука”,
яъни ўз қўлларингиз ила ўзингизни
таҳликага отмангиз, дер. Биз бўлса,
бадбахтона ва Худонинг амрига бўюн
қўймасдан ... тўй ва азо деган, йўқ
бўлушимизга сабаб бўлган одатларга
бору йўқимизни сарф ва исроф
этармиз» (Маҳмудхўжа Беҳбудий).**

Асрлар оша тўй-маъракаларни тартибга солиш бўйича кўп чоралар кўрилса-да, аммо уни бир меъёрга келтириш учун юз йиллар ҳам камдек, назаримизда.

Илк бор Амир Олимхон тўйларда паловдан бошқа овқат тарқатганларга 75 дарра, кўпқари, улоқ чопиш тадбирларини ташкил қилганга ўлим жазосини жорий этган. Бундан ташқари, Бухоро муфтийси домла Икром билан кўплаб бидъат-хурофот амалларни бекор қилган. Лекин уни ҳаётга тўлиқ татбиқ этиш ишлари охирига етмай қолган.

Афсуски, инсоният турмуш тарзи, илм-фан қанчалик ривожланмасин, дунёқарашимиз ўша-ўша – бир аср ортда қолаётгандек. Чунки тўй-маъракалардаги исрофгарчиликлар бир дам тўхтагани йўқ. Буни кўриб Асқад Мухторнинг: “Бу халқ жон берса берадики, жаҳолатни бермайди” (“Бухоронинг жин кўчалари” асари), деган сўзлари ҳақ эканини англайсан киши.

Яқинда Самарқанд вилоятида ўртаҳол бир кишининг тўйига бордик. Дастурхон тўкин-сочин: ноз-неъматлар билан тўла. Қай бирини ейишни билмайсан. Яхна, товуғу балиқлар, турли салатлар, ширинлигу тортлар, чақ-чуқлар, шоколаду мевалар. Ичимликлар ҳам ўзига хос. Бу дастурхонни кўрган одам тўй қилаётган киши бой-бадавлат бўлса керак, деб ўйлаши тайин. Лекин унинг тўйдан кейинги аҳволи ҳавас қиларли эмасди...

Кейинги пайтда тўю зиёфатларда дастурхонга қўйиладиган ноз-неъматлар

сони тобора ортиб борапти. Биргина гўшт маҳсулотларининг ўзи бир қанча: яхна, тандир, товук, дудланган гўштларни санаб адоғига етиб бўлмайди. Буларсиз гўё зиёфат ўтмайди.

Хўш, тўй дастурхонига қўйилган бу ноз-неъматларнинг қанчаси ейилади?

Маълумотларга кўра, воҳа тўйларида асосан гўшт маҳсулотлари 70–80 фоиз, мевалар 40–50, ширинликлар 10–20, чақ-чуқлар 10–20, салатлар 60–70, ичимликлар 70–80, нон 30–50 фоиз ейилади. Тўйда бериладиган биринчи овқат 70–80 фоиз ейилса, иккинчи овқат эса 40–60 фоиз тановул қилинади. Агар тўй қилаётган киши бадавлатроқ бўлса, таомлар тури яна кўпаяди.

Эътибор қаратсак, дастурхонга қўйилган неъматларнинг ярми ейиш учун, қолгани кўрк учун экан. Қанча егуликлар ташлаб юборилаётгани ҳеч кимни қизиқтирмайди. Нима бўлса ҳам меҳмонларнинг кўнглини олиш: пул кетса кетсин, обрў кетмасин, қабилида.

Дастурхонга қўйилган шунча ноз-неъматларни бир ўтиришда еб бўлмайди. Яримта нон, бир коса овқат билан қорнимиз тўяди. Нафсимиз қонганича еймиз-у, аммо соғлиғимизни ўйламаймиз. Бунинг турган битгани чўнтакка ҳам, соғлиққа ҳам зарар-ку!

Бу тўйлардаги биргина дастурхон безатишдаги ортикча ҳолатлар. Бундан ташқари, яна қанча кераксиз урфларимиз бор. Кийим-кечакдан тортиб, уй безаш, машиналарнинг турна қатор бўлиб юриши...

Абу Толиб Али розияллоҳу анҳу Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг севиқли қизлари Фотима онамизга уйланаётганида тўй дастурхонида бир қўй гўшти ва бир неча соъ жўхори бўлган. Бу неъматлар ҳам саҳобалар томонидан ёрдам сифатида олиб келинган.

Бугун тўйларимизга битта қўй тугул, битта буқа ҳам етмаяпти. Ҳатто бирор нозик меҳмон келса, унинг шарофатига қўй сўйилиб, яна бир қўйнинг пулига бозорлик қилинади. Ейилмаса ҳам, дастурхон тўкин бўлиши керак.

Имконимиз етмаса-да, қарз олиб, ўзимиз оч қолсак-да, элга катта зиёфат берамиз. Бу

лекин...

на ақлга ва на мантиққа тўғри келади. Минг афсус, бугун тўй қиламан деб боши берк кўчага кириб қолаётганлар кам эмас. Қанчалаб йигитларимиз пул топиш, тўй-хашам қилиш илинжида чет элларни кезиб юрибди. Қиз чиқараман деб уйини сотиб, кўчада қолганлар ҳам бор. Буларнинг барчаси дабдабазликдан бошқа нарса эмас.

Аллоҳ таоло Қуръони каримда: **“Аллоҳ йўлида (бойликларингиздан) сарфлангиз ва ўз қўлларингиз (бахиллигингиз) билан ўзларингизни ҳалокатга ташламангиз! (Барча ишларни) чиройли қилингиз. Албатта, Аллоҳ чиройли (иш) қилувчиларни яхши кўради”** дея марҳамат қилади (*Бақара сураси, 195-оят*). Бу билан Раббимиз ҳар бир ишни ўйлаб, мулоҳаза қилиб, гўзал тарзда бажаришга, ўзини қийнаб ҳалокатга ташламасликка, балки бирор ишни чиройли адо этиб, Аллоҳга севиқли бўлишга буюради.

Яна бир ояти каримада: **“...Исрофгарчиликка мутлақо йўл қўйманг! Чунки исрофгарлар шайтонларнинг биродарларидир. Шайтон эса Парвардигорига нисбатан ўта ношукур эди”**, деб марҳамат қилинади (*Исро сураси, 26–27-оятлар*). Бу оятда Парвардигоримиз исрофга йўл қўймасликка қаттиқ амр этиб, ҳатто исроф қилгувчини шайтон биродарига тенглаштирмоқда. Ношукрлар қаторида бўлиб қолишимиздан огоҳлантирмоқда.

Сўзимиз сўнгида Маҳмудхўжа Беҳбудий бобомизнинг қуйидаги сўзларини эслайлик: “Тўй ва таъзияга сарф қилинган оқчаларимизни биз, туронийлар, илм ва дин йўлига сарф этсак, анқариб оврупойилардек тараққий этармиз ва ўзимиз-да, динимиз-да обрўй ва ривож топар. Йўқ, ҳозирги ҳолимизга давом этсак, дин ва дунёда зиллат ва мискинатдан бошқа насибамиз бўлмайду”.

Бобур МУҲАММАД



Ҳимматли инсон

Ҳаётда шундай инсонлар борки, уларнинг ҳаёт йўли намуна ва тақсига лойиқ.

Наманган тумани Хонобод қишлоғида истиқомат қилувчи шифокор Акмалхон ҳожи Тожибоев ҳам ана шундай инсонлардан. У киши доим эл-юрт ғам-ташвишида кишиларга яхшилик улашиш пайида бўлади.

Иш фаолияти давомида қанча ночор беморларга ҳиммат кўрсатган. Мана, ўн йилдирки, Рамазон ойида кексалар, етим, эҳтиёжмандларга ифторлик ва сахарликлар, моддий ёрдам тарқатади. Ўтган йили масжид таъмирида ҳам катта ёрдам қилди.


Маърифат улашиш мақсадида маҳалла аҳлига 500 дан зиёд китоб совға қилди. Бундан ташқари, “Ҳидоят”, “Мўминалар” журналлари ҳамда “Ислом нури” газетасига обуна ҳам қилдириб берди. У бундай хайрли ташаббусни яна давом эттириб, қишлоқ аҳлини, айниқса, ёшларни илмли қилиш ҳаракатида.

Аллоҳ у кишининг ҳар бир яхши амали учун ажр-мукофотини зиёда қилиб берсин.

Саховатли инсонлар кўпаяверсин.

Тўхтаҳон РАҲИМОВА,
Наманган тумани

“Қуръон илмлари” араб тилидаги علوم القرآن (улум ал-Қуръон) бирикмасининг ўзбек тилидаги таржимаси ҳисобланади. Соҳа уламолари علوم (улум) ва قرآن (Қуръон) сўзларига алоҳида таърифлар беришади.



Муқаддас китобга доир илмлар

Муҳаммад Абу Шаҳба “Ал-Мадҳал ли ди-росат ал-Қуръон” асарида илмга шундай таъриф беради: “Улум” “илм”нинг кўплигидир. Илм араб тилида “фаҳм” ва “маърифат” маъносидаги масдар (ҳаракат номи)дир.

Ҳукамолар “илм” сўзига бундай таъриф беришган: “Илм бирор нарсанинг ақлда ҳосил бўлган сурати ёки суратнинг ақлда пайдо бўлишидир”. Бошқа олимлар: “Илм бир нарсани воқеликда қандай бўлса, шундай идрок этишдир”, деб таъкидлашган.

Олимлар “илм” сўзига турлича таърифлар бергани каби, “Қуръон” сўзи, унинг келиб чиқиши, ундан кўзланган маъно тўғрисида ҳам бир қанча фикрларни илгари суришган. Улардан тўғрироғи, кўпчилик уламолар ихтиёр қилгани қуйидагича: «قرآن» сўзи “тиловат қилди” маъносидаги قرأ нинг масдари бўлиб, “ўқимоқ, тиловат қилмоқ” деганидир. Сўнгра бу маънодан нақл қилиниб, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга нозил бўлган муборак китобга ном қилиб қўйилган». Бу таъриф Имом Лиҳёнийга тегишли бўлиб, Имом Зарқоний, Доктор Абу Шаҳба, Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф, Манно ал-Қаттон ва бошқа кўплаб уламолар ушбу фикрни қўллаб-қувватлашган. Улар “Қуръон” сўзи “ўқиш”, “тиловат қилиш”, “қироат қилиш” маъносида эканига ушбу оятларни далил қилишади:

“Албатта, уни жамлаш ва ўқиб бериш Бизнинг зиммамиздадир. Бас, Биз уни ўқисак, қироатига зеҳн солиб тур” (Қиёмат сураси, 17–18-оятлар).

“Қуръон” сўзи истилоҳда бундай тарифланади: “Қуръон Аллоҳ таолонинг Набийси Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламга нозил қилган, лафзлари ожиз қолдирувчи, тиловати ибодат бўладиган, мутавотир тарзда нақл қилинган, мусхафларда кўчирилган, Фотиҳа сураси билан бошланиб, Нас сураси билан туговчи каломидир”.

Аллоҳ таоло Ўз каломида бундай марҳамат қилади:

“Ва агар бандамизга туширилган нарсамизга шакинғиз бўлса, унга ўхшаш бир сура келтиринг ва рост сўзловчилардан бўлсангиз, Аллоҳдан ўзга гувоҳларингизни чақиринг. Бас, агар қила олмасанглар, ҳеч қачон қила олмайсизлар ҳам, ёқилғиси одамлар ва тош бўлган, кофирлар учун тайёрланган ўтдан қўрқинглар” (Бақара сураси, 23–24-оятлар).

Муҳаммад Али ас-Собуний “Улум ал-Қуръон” (Қуръон илмлари)га бундай таъриф беради: “Улум ал-Қуръондан қасд қилинган нарса ушбу буюк, ўзгармас китобга алоқадор бўлган баҳслардир. Улар унинг нозил бўлиши, жамланиши, тартибланиши, китобга ёзилиши, нозил бўлиш сабаблари, ундаги маккий ва маданий (оят)лар, муҳкам ва муташобеҳ, носих ва мансукларни билиш ва бошқа Қуръони азимга боғлиқ бўлган кўпгина масалалардир”.

“Улум ал-Қуръон”, яъни “Қуръон илмлари” бирикмаси ўз маъносидан алоҳида фан сифатида шаклланган ва ўзида Қуръони каримга доир баҳсларни жамлаган мустақил илмга атоқли ном ўлароқ қабул қилинди. Бугунги кунда ҳам у айнан шу ном билан номланади.

Юқоридаги таърифлардан келиб чиқиб айта оламизки, Қуръон илмлари соҳасида айнан Қуръони каримга оид бўлган баҳслар, яъни унинг нозил бўлиши, сура ва оятларнинг тартибланиши, қандай қилиб жамлангани, мусхафга жамланиш тарихи, бир неча қироатларда ўқиши, тафсир қилиш услублари, муфассирларга қўйилган шартлар, эъжоз ал-Қуръон илми, ғариб ал-Қуръон илми, сабаби нузул илми, маккий ва маданий суралар, носих ва мансук, мутлақ ва муқайяд, муҳкам, муташобеҳ ва бошқалар ҳақида сўз боради.

Адҳамбек ЯНГИБОЕВ,

Ўзбекистон Халқаро ислом академияси
докторанти

Навоийнинг икки тарихий асари

**Туркий тилда биринчи бўлиб
Пайғамбарлар тарихи ҳақида асар
ёзган олим, буюк бобомиз Мир
Алишер Навоий ҳазратларидир.
У зот бу асарини «Тарихи анбиё
ва ҳукамо» деб номлаган. Бундан
олдин пайғамбарлар тарихига
оид асарлар араб ва форс
тилларида кўплаб ёзилар эди.**

Ана шундай тарихга оид асарларидан яна бири «Тарихи мулуки ажам» ҳисобланади. Баъзи олимлар «Алишер Навоийнинг “Зубдатут таворих” номли тарихга оид асари ҳам бўлган», дейдилар. Туркиялик олим Айшахон Дениз Абик ёзади: «Алишер Навоий ўзининг асарларида икки марта “Зубдатут таворих” сўзини ишлатган. Демак, Алишер Навоийнинг “Зубдатут таворих” номли асари ҳам бўлган-у, аммо бизгача етиб келмаган».

Бошқа олимлар эса, «Алишер Навоий “Тарихи анбиё ва ҳукамо” асари билан «Тарихи мулуки ажам» асарини қўшиб, “Зубдатут таворих” (Тарихларнинг қаймоғи) деб номлаган», дейди. Дарҳақиқат, Алишер Навоийнинг бу асарларини ўрганган киши «Тарихи мулуки ажам» китоби «Тарихи анбиё ва ҳукамо» асарининг давоми деган хулосага келиши мумкин. Чунки Алишер Навоий ҳазратлари «Тарихи анбиё ва ҳукамо» китобининг охирги жумласида: “Анбиё алайҳиссаломлар ва ҳукамолар тарихи тўлалигича зикр этилди. Энди ажам подшоҳларининг тарихини битишга киришаман”, деб ёзган. Аслида эса бу жумла, «Тарихи анбиё ва ҳукамо» асари билан «Тарихи мулуки ажам» асари иккита алоҳида тарих эканини кўрсатади. Чунки бу иккиси битта асар бўлганида Алишер Навоий ҳазратлари битта

асарнинг ўртасида бу жумлани келтириб ўтирмасдан, ажам подшоҳларининг тарихини ёзишда давом этган бўлар эди. Навоийнинг буни алоҳида зикр қилиши, бу тарихлар бир-биридан айри-айри бўлган иккита асар эканлигини кўрсатади. Алишер Навоий ҳазратлари бу икки тарихни бирлаштириб «Зубдатут таворих» (Тарихлар қаймоғи) деб номлаган. Агар бу битта асар бўлганида, «тарих» сўзининг кўплиги «таворих» сўзини ишлатмаган бўлар эди.

Алишер Навоий пайғамбарлар тарихи, ажам (форс) подшоҳлар тарихидан сўнг, турк подшоҳларининг тарихини ёзиб, замондоши ва дўсти Ҳусайн Бойқарони ҳам киритмоқчи бўлган.

Энди Навоийнинг «Тарихи анбиё ва ҳукамо» асарига келадиган бўлсак, бу асар бошқа «Пайғамбарлар тарихи»га оид китоблардан ўзига хос жиҳати билан фарқ қилади. Биринчидан, бу тарих китобида Алишер Навоий пайғамбарларнинг тарихларини қисқа баён қилгач, ўтмишдаги энг билимдон ҳаким зотлар ҳақида маълумот беришга ўтган. Иккинчи жиҳати, Навоий ҳазрат асарда Пайғамбарлар ҳақида маълумот берар экан, Луқмони Ҳаким ҳақида, у зотнинг пайғамбар эмаслиги тўғрисида бироз сўз юритиб ўтган.

Асарда баъзи набийларнинг тарихи қисқа келтирилган бўлса, баъзилариники узун ва батафсил келтирилган. Бир сўз билан айтганда, Алишер Навоийнинг «Тарихи анбиё ва ҳукамо» асари Навоий ҳазратнинг такрорланмас даражадаги мумтоз олим эканлигини яна бир карра билдирадиган асар ҳисобланади.

Абдурасул ТОШПЎЛАТОВ,
Алишер Навоий номидаги
Давлат адабиёт музейи таянч
докторанти



Ҳаракатланувчи гумбазлар

Масжидул Ҳаромни кенгайтириш жараёнида замонавий дизайн ва техник имкониятлар инобатга олинди.

Лойиҳа доирасида 22 та гумбаз қурилиши белгиланган бўлиб, улардан 12 таси ҳаракатланувчи ва 10 таси қўзғалмас шиша гумбазлардан иборат. Асосий йўлакдаги ҳаракатланувчи гумбазнинг ички баландлиги 25 метр, ташқи диаметри 36 метр, оғирлиги 800 тоннани ташкил этади.

Бу гумбазлар марказий бошқарув блоки орқали очилиб, бино ичида ҳаво айланиши таъминлайди. Орқа ва ўрта ҳовлилар устида жойлашган 12 та ҳаракатланувчи шиша гумбазнинг оғирлиги тахминан 300 тонна, ўлчамлари 28,5x17 метр, ташқи баландлиги 8,75 метрдир.

20 кунда 22 миллион зиёратчи

Муборак Рамазон ойининг дастлабки 20 кунда Маккадаги Масжидул Ҳаромга 22 миллиондан ортиқ зиёратчилар ташриф буюрди.

Икки Муқаддас Ҳарам Бош бошқармаси бошлиғи Шайх Абдурраҳмон ас-Судайснинг таъқидлашича, бундай кенг кўламли зиёратчилар оқимини кутиб олиш ва кузатиш учун мутахассислар олдиндан юқори тайёргарлик кўрган.

Тезкор режа доирасида 4000 нафар ишчи Масжидул Ҳаромни кунига 10 марта тозалади. Яна 70 нафар ишчи масжид ҳудудини кечаю кундуз антисептик моддалар билан дезинфекция қилди. Масжид атрофи ва унинг радиусида 8000 га яқин транспорт воситаси, жумладан, 3000 та электр транспорт воситаси ҳаракатланди, 90 нафар муҳандис-техник 200 та эскалатор ва 14 та лифт ҳолатини назорат қилиб турди.



Зиёратчиларга 50 тилда хизмат

Саудия Арабистони Икки Муқаддас Ҳарам бошқармаси Хорижий тиллар ва таржима бўлими зиёратчилар учун Масжидул Ҳаромнинг тарихи ва бугуни ҳақидаги маълумотларни 50 тилда таништириш хизматини тақдим этди.

Унга кўра, лойиҳа доирасида зиёратчилар 50 тилда Масжидул Ҳаромнинг муҳим жойлари ва тарихий обидалари билан яқиндан танишади. Ушбу зиёрат Каъбадан бошланиб, Масжидул Ҳаромнинг барча муҳим жойларига ташриф буюришни ўз ичига олади.

2 миллиарддан кўп

Global Muslim population веб-сайтига кўра, дунёда мусулмонлар сони 2 006 931 770 кишига етди.

Бу дунё аҳолисининг 25 фоизи дегани.

Миннеаполисда 5 маҳал азон



АҚШнинг Миннеаполис шаҳри масжидларида беш маҳал намоз пайти овоз кучайтиргичлар орқали азон айтишга рухсат берилди.

Миннеаполис шаҳар кенгаши шаҳардаги масжидларга эрталаб соат 3:30 дан 23:00 гача азон айтишга рухсат беришди. Илгари шаҳарда кунига 3 марта азон айтилар эди.

Италияда тез тарқалаётган дин

Бугун Италияда диний жиҳатдан католик христианлик ҳукмрон бўлса-да, Ислом дини Европа нинг бошқа қисмларига қараганда анча тез тарқалмоқда.



Ҳозирда бу ерда 60 дан ортиқ масжид ва 100 дан ошиқ намозхоналар мавжуд.

Италия пойтахтидаги “Рим” масжиди Ғарб дунёсидаги энг катта масжид бўлиб, унинг майдони 30000 квадрат метр ва у 12000 дан ортиқ намозхонни сиғдира олади. Бу бинода Италия Ислом маданияти марказининг бош қароргоҳи ҳам жойлашган.

Энг кам чекувчилар

Россиянинг энг кам тамаки чекиладиган ҳудудлари Ислом дини устунлик қиладиган Чеченистон, Ингушетия ва Доғистон Республикаларидир.

Статистик маълумотларга кўра, Чеченистон аҳолисининг атиги 3,3 фоизи, Ингушетияда 4 фоиз, Доғистонда эса, 6 фоиз киши чекади. Энг ёмон вазият Олтой, Сахалин, Магадан, Ненец автоном округи ва Комида. Ушбу ҳудудларда ўртача ҳар учинчи аҳоли кашанда. Умуман олганда, Россияда 15 ёшдан ошган фуқароларнинг қарийб 20 фоизи, яъни 23 миллионга яқин киши ушбу кашандаликка мойил.



Қубо масжиди кенгайди

Саудия Арабистони оммавий ахборот воситалари Масжидун Набавий ва Қубо масжидини ривожлантириш лойиҳаси тафсилотларини эълон қилди.

“Нигоҳ–2030” лойиҳасига мувофиқ, Пайғамбаримиз масжидида икки миллион намозхонни сиғдириш режаси илгари сурилмоқда. Ушбу лойиҳа доирасида Қубо масжиди ва унинг атрофидаги ҳудудларда ҳам бунёдкорлик ишлари олиб борилади.

Лойиҳада Қубо масжиди (Ислом тарихида қурилган биринчи масжид) ва унинг атрофидаги майдони 50 000 квадрат метрга, яъни ҳозирги майдонидан 10 баравар кўп, сиғими эса 66 000 намозхонга етказилади.

Саховатли мусулмонлар

Лондонда жойлашган “Ayaan Institute” тадқиқот ташкилоти Британияда истиқомат қилувчи мусулмонлар хайрия ишларида бошқалардан кўра энг саховатли одамлар эканини эълон қилди.

Маълумотларга кўра, британиялик мусулмонлар йилига 1 миллиард фунт стерлинг хайрия қиладилар.

2050 йилга бориб Британия мусулмонлар жамияти хайриялари йилига 4 миллиард фунт стерлингга етиши мумкин.

Интернет маълумотлари асосида тайёрланди.

Етти муборак таълим

Ҳақ таолонинг дўсти Увайс Қараний ҳазратлари Аллоҳ азза ва жалла розилигига эришишнинг 7 услубини қуйидагича баён қилади.

1. Юсаклик қидирдим, тавозеда топдим.

Ояти каримада марҳамат қилинади: **“Раҳмоннинг (суюкли) бандалари ерда камтарона юрадиган... кишилардир”** (Фурқон сураси, 63-оят).

Идрис алайҳиссалом насиҳатларидан бирида: **“Ақлли кишининг мартабаси юксалса, тавозеси ҳам ортади”**, дейилади.

Уруғ ерга қадалмагунича ниш уриб ўсмайди. Шунингдек, инсон ҳам камтар бўлмагунича юксала олмайди. Аллоҳнинг раҳмати кибрлиларни эмас, камтарларни юксалтиради.

Жалолиддин Румийнинг қуйидаги сўзлари ҳам манмансираганларнинг қазо қиличи ўз зарарларига ишлашини очиқ шаклда ифодалайди: **“Қилич бўйни бўлганнинг бўйнига урилади. Соя эса ерга қапишиб ётади, унинг на бўйи ва на бўйни бўлмагани учун яраланмайди, кесилмайди”**.

Ғурур, кибр ва ужб аксарият ҳолларда истеъдодли ва мол-мулк соҳиби бўлган инсонларда юзага келади. Ваҳоланки, инсонга ато этилган неъматларнинг барчаси икки учли кескир пичоқ кабидир. У яхшилик учун ҳам, ёмонлик учун ҳам хизмат қилиши мумкин.

Шундай экан, инсон огоҳ бўлиб, моддий ва маънавий бойликларни яхшилик йўлида сарфлаши лозим.

Мўмин банда доимо: **“Ўзимга қанча мол-мулк сарфляпман, Аллоҳ ризосини қозониш учун бошқаларга қанча эҳсон қиляпман?”** деган саволни ўзига бериб туради.

2. Шухрат қидирдим, ҳақиқликда топдим.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Ё Раб, Сени Сенга муносиб тарзда таний олмадим. Сенинг шафнингга лойиқ қуллик қила олмадим”** дея ҳақир ҳолда Аллоҳ таолога илтижо қилар, истиғфор айтардилар. Яратган Эгамга энг севикли банда, оламларнинг яратилишига

сабабчи инсон бўлганлари ҳолда Расулуллоҳ алайҳиссаломнинг бу ҳақир ҳоллари бизга юксак намуна бўлиши шарт. Жаноби Ҳаққа лойиқ ҳолда бандалик қилиш Унинг улуғлигини англаш, бизларга ато этган ҳисобсиз неъматлари ҳақида тафаккур қилиш, шу аснода ибодатларимиз ва шукримизни ҳеч қачон бу неъматларга етарли “тўлов” ўрнида кўрмаслик керак.

Дуоларимиз каби ибодатларимизнинг ҳам қабул бўлишини доимо Аллоҳдан сўрашимиз лозим.

3. Шон-шараф қидирдим, тақвода топдим.

Ояти каримада марҳамат қилинади: **“...Аллоҳдан қўрқингиз! Аллоҳ сизларга (шундай) таълим беради. Аллоҳ ҳамма нарсани билувчи Зотдир”** (Бақара сураси, 282-оят).

“...Албатта, Аллоҳ наздида (энг азизу) мукаррамроғингиз тақводорроғингиздир. Албатта, Аллоҳ билувчи ва хабардор Зотдир” (Хужурот сураси, 13-оят).

Шубҳасиз, башарият орасида энг юксак шарафли насаб Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламники, у зотнинг аҳли байтлариники ва авлодлариники. Фақат тақво шундай бир шарафки, соҳибини Аллоҳ азза ва жалла ҳузурида юксалтиради. Маънан аҳли байтнинг бир аъзосига айлантиради.

Пайғамбаримиз алайҳиссалом: **“Салмон биздандир, аҳли байтдандир”**, деганлар (Имом Ибн Ҳишом ривояти).

Демак, зоҳирда аҳли байтга тааллуқли бўлишдан ташқари, маънан унга оид бўлиш бор. Бу эса мўмин қалблар учун энг олий мартабадир. Бу фазилятга эришишнинг ягона шarti эса “тақво”дир. Яъни инсоннинг асл қадр-қиммати дунёдаги молу мулк, шон-шухрат, насаб ва мансаби билан эмас, Аллоҳ таолога бўлган тақвоси билан ўлчанади.

Тақво эса Аллоҳга чин маънода бандалик қилиш, Расули акрам алайҳиссаломнинг хулқлари билан хулқланиш демакдир.

(Давоми кейинги сонда.)

Нигора МИРЗАЕВА
тайёрлади.

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф

асарларида тасаввуф тарғиботи

Мустақилликка эришгач, халқимизнинг Ислом динини ўрганишга бўлган эҳтиёжи ортиб борди. Илк йилларда диний манбаларни таржима қилиш, изоҳ ва шарҳлар ёзиш ҳамда нашр этиш, мураккаб жараёни талаб қилди.

Сабаби, бир асрдан ортиқ давом этган мустамлака миллатимизни ўз дини ва ула-моларидан узоқлаштирган ҳамда коммунистик мафкура руҳиятини халқимиз онига чуқур сингдирган эди. Шундай мураккаб даврда Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳазратлари масъулиятни ўз зиммасига олди.

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф раҳматуллоҳи алайҳ диний-маърифий фаолияти давомида динимизга оид кўплаб асарлар ёзган. Бугун у асарларни халқимиз катта қизиқиш билан ўрганмоқда. Ҳазрат бу асарларида Ислом шариати кўрсатмалари, меъёрлари, одоб-ахлоқини ўқувчиларга ишончли ва содда ифода-лар билан етказишга катта аҳамият берди. Дастлабки даврда халққа Ислом шариатига доир зарурий, бирламчи китоблар, рисо-лалар, мақолалар, маъруза ва интервьюлар етказилган бўлса, босқичма-босқич халқимиз диний эҳтиёжлари ва билим савияси ортиб боришини эътиборга олган ҳолда тасаввуф таълимотига оид асарлар ва туркум маърузаларни ҳам тақдим этди.

Шайхнинг “Тасаввуф ҳақида тасаввур” китобида тасаввуфнинг назарий масалалари билан бирга, дунё ва юртимиз тасаввуф аҳли ўртасидаги боғлиқликлар, янгиликлар, турли ихтилофлар ва мунозаралар бўйича таҳлиллар тақдим этилган. “Ҳадис ва ҳаёт” силсиласининг учинчи жузи – “Ният, ихлос ва илм китоби”, ўттиз тўртинчи жузи – “Яхшилик ва ахлоқ китоби”, ўттиз бешинчи жузи – “Зикр, дуолар, истиффор ва тавба китоби”, ўттиз олтинчи жузи – “Зухд ва рақоиқлар китоби”, ўттиз еттинчи жузи – “Адаб китоби” айнан руҳ тарбиясига оиддир.

Олимнинг “Руҳий тарбия” китоби 2014 йилда нашр этилган. Уни ёзишда 86 та мўътабар манбадан фойдаланилган.

Шозилия тариқати шайхи, мисрлик аллома Ибн Атоуллоҳ Сакандарий (1260–1309)нинг “Ҳикамул Атоийя” китоби тасаввуф ихлосмандлари орасида машҳур. Шайх Муҳаммад Содиқ раҳматуллоҳи алайҳ ҳам мазкур манбага “Хислатли ҳикматлар шарҳи” номли 5 жуздан иборат шарҳ ёзган.

Илмнинг баракотини қарангки, у зотнинг вафотларидан сўнг ҳам баъзи нашр этилмаган китоблари оила аъзолари ва шогирдлари томонидан халқимизга тақдим этиб келинмоқда. Жумладан, мавзуга доир “Нақшбандия: вазифалар, зикрлар” китоби 2018 йилда нашр этилди.

Ҳазрат замонавий технологиядан самарали фойдаланган. Интернет тармоғи орқали Ислом маърифатини тарқатиш, халқимизни мусулмон оламидаги янгиликлардан хабардор қилиш, турли бузғунчи оқимлар хатаридан огоҳлантириш, уларнинг шубҳа ва иддаоларига раддия бериш, мусулмон оммасида юзага келаётган турли мавзулардаги шаръий саволларга жавоб бериш каби хайрли мақсадларни кўзлаб, www.islom.uz веб-саҳифасига асос солди. Ушбу веб-саҳифа тез орада йирик ижтимоий минбарга айланди. Ҳазратнинг биргина “Руҳий тарбия” ва “Тасаввуф ҳақида тасаввур” китоблари асосида 211 та дарс islom.uz веб-саҳифасида ўқувчиларга тақдим этилди.

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф раҳматуллоҳи алайҳнинг тасаввуф таълимотининг асл ҳақиқатларини халқимизга етказиш ва мусулмонларни гўзал ирфоний ахлоқлар билан тарбиялаш борасидаги хизматлари алоҳида ўрин тутди. Бугунги кунда инсоний қадриятларни сақлаб қолиш ва соғлом эътиқодли авлодни тарбиялаш учун бу асарлардан фойдаланиш энг самарали йўлдир.

Тоҳир ҲОТАМОВ,

ЎзХИА Ислом тарихи ва манбашунослиги
IRCICA кафедраси доценти

Йўл олдим ўзимдан Сени ахтариб...

* * *

Остона ҳатласанг,
Ҳар томонинг йўл,
Мақбулига манғиб кетаверасан.
Балки боғ чиқади, балки тоғ ё чўл,
Шаҳар, қишлоқ, қалъа... Ўтаверасан.

Йўл,
Ортингдан унсиз термулиб қолар,
Кулгиси юзингдир, йиғлари – сўзинг.
Пешонанг тор эса, қалби поради,
Бахтинг бутун бўлса, чароғон ва кенг.

Умр узоқ дейсан, кетаверасан,
Бир манзилга етсанг, манзил бўлмайди.
Бир манзилга бориб... биласанки сен,
Йўллар тугамайди, йўллар ўлмайди!..

* * *

Ё Танграм,
Бир қўшиқ бер,
Бўлсин Ўзинг сари йўл.
Ашъорий бу сатрлар
Айтган қулдан рози бўл.

Ўзингдан айро сўзни
Солма, ё Раб, дилимга.
Ризога элтар йўлни
Нишаб айла тилимга.

Ўтаётган ҳар куним
Жума қил – Одина қил.
Кўнглимнинг ҳар буржини
Макка қил, Мадина қил...

* * *

Ахийлар оҳига ошно қил, Эгам!
Аҳдимни факр-ла рўшно қил, Эгам!
Йўл олдим ўзимдан Сени ахтариб,
Собир қил, сабрни ош-нон қил, Эгам!

* * *

Ўтрик хаёлларим ўтди, ким билди?
Кимлар яқосидан тутди, ким билди?
Келарнинг ҳукмига эҳтисоб-ку* йўқ,
Кетарга не битик битди, ким билди?!

*Назорат

Абдунаби БОЙҚЎЗИ

Отажон

Отажон,
Мендан, рости...
Нима авзум топдингиз?
Ҳар қадамда адашдим...
Яширдингиз, ёпдингиз.

Гоҳида ҳаддан ошсам,
Аразлаб ҳам қолдингиз.
Сал ўтмай, яна борсам,
Яйраб кутиб олдингиз.

“Бу ёққа чиқ, ёнимга”,
Дердингиз ёлвир боқиб.
Меҳрингиз дарёсида
Кетардим сувдай оқиб.

Син солиб ранг-рўйимга,
Чамалаб бир ширин сўз.
“Буям чўкиб қопти”, деб
Чўқар эди, кўнглингиз.

Ҳай,
Майли-да,
Чўксак ҳам,
Тирикмиз-ку, ҳар қалай!
Олисларда юрсак ҳам,
Юрибмиз-ку, ҳар қалай!

Сиз борсиз,
Шу уй – макон
Жаннатнинг бир гўшаси.
Сиз борсиз – бор Андижон,
Тошкан... жигаргўшаси.

Шукр, токи сиз борсиз,
Қариликка йўл бўлсин.
Умрингиз, иймонингиз,
Узун ва комил бўлсин!

Отам бор деб биз довон
Ошиб, юриб ҳорийлик.
Сизда эса яшариб
Бораверсин, қарилик!..

2017

Тошкент шаҳри

Каъба тавофидан ёришди қалбим...

Иноятларидан кўнгилни чоғланг

Аллоҳга ниятни кўп қилар эдим,
Ўзимга тан-сиҳатлик тилар эдим.
Ниятим Маккага бормоқлик эди,
Мадина равзасин кўрмоқлик эди.

Ҳажда куч-қувват бер, дер эдим мудом,
Минг шукр, ҳосил қилдинг муддаом.
Зам-зам сувларидан ичдим мен қониб,
Дардларимга шифо топдим қувониб.

Сафо ила Марванинг орасида,
Ҳожар онамиз дарди эсимда.
Арофат тоғида турдим-ку бедор,
Минг шукр, етказдинг, эй Парвардигор.

Ҳажнинг амалларин бажардим бир-бир,
Шайтонни тошладим қилган-чун макр.
Қурбонлигимни ҳам қабул эт, Раббим,
Каъба тавофидан ёришди қалбим.

Уйингни кўрганда нурланди юзим,
Ибодат завқидан ёшланди кўзим.
Ҳар ишда, дўстларим, Ҳаққа дил боғланг,
Иноятларидан кўнгилни чоғланг.

Ўрол ҳожи НАРЗУЛЛАЕВ,
(марҳум) Қўшработ тумани

Туяқлар

Фоний-боқий қирғоқ, зир қатнайди сол,
Тасаввуф сувидан идрокимга сол.
Овора бўлмайн аросатда мен,
Икки дунё мени тўғри йўлга сол...

* * *

Уйқу келмас кўзларимга туну кун,
Аллоҳим, қийналдим ҳеч кўрмайн кун.
Субҳидам, юзингни кўрсат эртароқ,
Намозим ўқийин, сўнгра чиқсин кун.

* * *

Тўрт сура ёд олдинг, қилмагил кўз-кўз,
Демагил кўрмади, тушмади бир кўз.
Кузатар доимо Аллоҳнинг ўзи,
Сенга насиб этсин исломий бир кўз.

Абдували МАМАТОВ,
Оқолтин тумани

Офат ва ибрат

Минглаб ўлим ҳамда минглаб ярадор,
Ҳар бирин ортида битта қисмат бор.
Лаҳзалар ичида шунча жудолик,
Бунда фарқланмади шоҳлик, гадолик.

Вайрон бўлди кўплаб ҳашамдор уйлар,
Қанча-қанча обод ва кўркам жойлар.
Кўз очиб юмгунча юз берган офат.
Юртга олиб келди шунча талафот.

Ўзингизга: “Нечун?” деб савол беринг
Ва бунда Аллоҳнинг қудратин кўринг.
Худодан беамр тикан ҳам кирмас,
Лек кўплар Раббисин йўлидан юрмас.

Беш вақт намоз, рўза қийинми шунча?
Фарзларни бажаринг қўлдан келгунча.
Бу офат, балодан олайлик ибрат,
Кўзимиз очайлик келмасдан кулфат.

Қуръон – эслатмани юборган Аллоҳ,
Унга амал қилган ҳеч тортмагай оҳ.

Саид Вали ТОЖИБОЕВ,
Зомин тумани

Ота дуоси

Ота дуо қилса, тоғу тошлар ҳам,
Бу олий ҳикмат деб иймонга келар.
Уйқудан уйғониб олтин бошлар ҳам,
Бемехр ёшлар ҳам инсофга келар.

Ота қалби эрур мавж урган дарё,
Осмону фалақдан дурлар ёғдирар.
Камол топ фарзандим, дея сен учун,
Бу ёруғ оламини сенга оғдирар.

Ота-онанг ҳаёт, ранжитма асло,
Уларнинг жисмига сен куч-мадор бўл.
Ёнган шамчироғин ўчирма асло,
Барқ уриб порлаган мисли қуёш бўл.

Остонанг покиза тут деб ҳаётда,
Бор меҳр, қувонч-ла берганман қандим.
Бошинг омон бўлсин, эй жигарбандим,
Қалбингдан жой олсин менинг бу пандим.

Комилжон АҲМАДЖОНОВ,
Шаҳрихон тумани



Оила мустаҳкамлиги ва ундаги тартиб-интизом, аввало, эр кишининг салоҳияти ва шижо-атиға боғлиқ. Шу боисдан ҳам ота-боболаримиз ўғил болалар тарбиясига алоҳида эътибор бериб, уларни сабр-матонатли қилиб вояға етказишган.

Албатта, турмушда яхши-ёмон кунлар бўлиб туради. Ҳар бир йигит бунга тайёр туриши, уларни собитқадамлик билан енгиб ўтиши лозим. Лекин “оила дегани шу бўлса...” деб қўл силтаб, аёлиға, фарзандига бепарво бўлиш ярамайди.

Пайғамбаримиз алайҳиссалом ҳадиси шарифда: **“Ҳар бирингиз мутасаддисиз, ҳар бирингиз қўл остингиздагилар учун масъулсиз. Ҳар бир раҳбар инсонлар устидан мутасаддидир ва улар учун масъулдир. Эр ўз аҳли аёли ва қўл остидагилар устидан мутасаддидир ва улар учун масъулдир. Хотин эрининг уйида мутасаддидир ва қўл остидагилар учун масъулдир. Қул хожасининг молиға мутасаддидир ва унинг учун масъулдир. Ҳар бирингиз қўл остингиздагилар учун масъулсиз”,** деганлар (Имом Бухорий ривояти).

Шундай экан, ҳар бир оила бошлиғи аёлиға, фарзандларига масъулдир.

Афсуски, бугун айрим эркаклар зиммасидаги бурчни, йигитлик ор-ғурурини унутиб қўяётгани

Таъминот ОТА зиммасида

ҳам ҳақиқат. Мисол учун, айрим дангаса йигитлар оилавий муносабатларга енгил қараб, хотини ва фарзандларининг еб-ичиши билан қизиқмай, аёли ёки кекса ота-онаси қўлиға қараб қолган. Тану жони соғ бўлса-да, ишлай, рўзғор тебратай демайди. Баъзилари эса ўзга юртларга ишлашга кетиб, йиллаб оиласи ҳолидан хабар олмайди. Оиласининг қандай кун кечириётгани, фарзандининг қай тарзда вояға етаётганиға ҳам безътибор. Бунинг оқибатида она-болалар муҳтожликда кун кечириб, отанинги йўлиға муштоқ бўлиб яшайпти.

Баъзи йигитлар ўйламай-нетмай бор-буди ва уйини қимор ўйинларига тикиб юбораётгани, ичкиликка ружу қўйиб, аҳли оиласини қийин аҳволға солаётганини асло оқлаб бўлмайди. Уларнинг бу қилмиши нафақат фарзандларига зулм, балки жамиятға ҳам катта хавфдир. Ҳолбуки, бундай зарарли амалларға муккасидан кетган одамнинг соғлиғи ёмонлашади, обрўйи йўқолади, оиласидан эса барака кўтарилади. Яқинлари эл-юрт олдида бошини кўтаролмай қолади.


Бу қабилар динимизда қаттиқ қораланади.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Эй Аллоҳим (Сенинги гувоҳлигингда), мен икки заиф – етим ва аёл кишининг ҳаққини (зоё қилишдан) қаттиқ огоҳлантираман”,** деганлар (Имом Насоий ривояти).

Мусулмон киши ҳар қандай ҳолатда ҳам ўз оиласини таъминлаб қўйиши, фарзандлари камоли учун қайғуриши, улар солиҳ-солиҳа бўлиб вояға етишиға астойдил ҳаракат қилмоғи керак. Зеро, Набий алайҳиссалом: **“Кишининг ўз фарзандини чиройли одоб-ахлоқ билан тарбиялаши кўп миқдордаги нафл садақа беришидан яхшироқдир”,** деганлар (Имом Термизий ривояти).

Оиласида тинчлик, хотиржамлик ҳукм суришини истаган киши, аввало, ҳалол касб қилиши, оила қўрғони мустаҳкамлиги учун барча қийинчиликларни енгиб ўтиши керак. Шунда унинг топган-тутганида барака бўлади. Фарзандлари ҳам эл корига ярайдиган солиҳ инсонлар бўлиб етишади, иншоаллоҳ.

Дилмурод СОДИҚОВ



Муҳаққиқ аллома ШУАЙБ АРНАУТ

**Муҳаддис ва муҳаққиқ
олим Шуайб ибн Муҳаррам
Арнаутий ҳижрий 1346**

йил (милодий 1928) Дамашқ шаҳрида дунёга келди. Отаси Муҳаррам асли албаниялик бўлиб, кейинчалик Шомга кўчиб келган. Албан миллатига мансуб оилада дунёга келганлари учун “Арнаут” нисбатини олган. Усмонли турклар албанларни “Арнаут” деб номлашган.

Аллома дастлабки диний таълимни ота-онасидан олди. Ёшлик чоғларидаёқ Дамашқ масжид ва мадрасаларига қатнаб, араб тилининг наҳв, сарф, адабиёт ва балоғат каби фанларини пухта эгаллайди. Олим Дамашқнинг кўзга кўринган уламоларидан дарс олди. Шайх Солиҳ Фарфурий ва шайх Ориф Давжийни алоҳида эслаб ўтиш лозим. Бу икки шайх Шомнинг машҳур уламоси шайх Бадруддин Ҳасанийнинг шогирдлари бўлишган.

Аллома Арнаут араб тили грамматикаси ва адабиётига оид китобларни, жумладан, Ибн Ақилнинг “Шарҳи алфийяту Ибн Молик”, Ибн Ҳожибнинг “Кофия”, Замахшарийнинг “ал-Муфасссал”, Ибн Ҳишом Ансорийнинг “Шузуз аз-заҳаб” ва Журжонийнинг “Асрорул балоға” каби китобларини тинмай ўқиди.

Сўнгра аллома бор эътиборини фикҳ илмини ўрганишга қаратди. Кўплаб фикҳий китобларни, хусусан, ҳанафий фикҳига оид асарларни устозлари ҳузурида таълим олди. Булар қаторида Имом Шурунбулолийнинг “Мароқул фалоҳ”, Имом Мусилийнинг “ал-Ихтиёр”, Имом Қудурийнинг “Мухтасар” ва аллома Ибн Обидиннинг “Раддул мухтор” каби асарларини қайд этиш мумкин. Аллома Арнаут қарийб етти йил умрини фикҳни ўрганишга сарфлади. Усулул фикҳ, тафсир ва мусталаҳул ҳадис каби илмларни пухта эгаллаган чоғида алломанинг ёши ўттизлардан ошган эди.

Аллома ҳадисларни ҳам чуқур тадқиқ этиш, саҳиҳ ва заиф ҳадисларни аниқлаш-

тиришга доир китобларни ҳам илмий таҳқиқ қилишга зарурат борлигини англайди. Шундан сўнг шахсан ушбу масъулиятли вазифани амалга оширишга киришади. Натижада 1955 йилдан араб тили илмларидан дарс беришни тўхтатди. Исломи меросни таҳқиқ қилишга киришган аллома 1958 йил Дамашқдаги “Ал-мактаб ал-ислами” номли нашриётда иш бошлайди. Йигирма йил мобайнида таҳқиқ бўлими бошлиғи сифатида фаолият юритади. Турли илмларга оид етмиш жилддан ортиқ китобларни бевосита ўзи таҳқиқ қилади ёки илмий гуруҳга раҳбарлик қилади.

1982 йилда Амман шаҳридаги “Муасасатур рисала” нашриётига ишга ўтди. Бу ерда ҳам исломий меросни ўрганиш гуруҳига самарали тарзда раҳбарлик қилди.

“Ал-мактаб ал-ислами” нашриётидаги таҳқиқ қилган китоблари: Имом Бағавийнинг “Шарҳис сунавн” китоби (16 жилд), Имом Нававийнинг “Равзатут толибийн” китоби (Шайх Абдулқодир Арнаут билан биргаликда, 12 жилд), аллома Ибн Манзурнинг “Мухторул ағоний” (12 жилд), аллома Ибн Муфлиҳ Ҳанбалийнинг “Ал-мубди фий шарҳи мукни” китоби (10 жилд), аллома Ибнул Жавзийнинг “Задул масийр фий илмит тафсийр” китоби (шайх Абдулқодир Арнаут билан биргаликда, 9 жилд) ва бошқа кўплаб китобларни таҳқиқ қилган.

Аллома Шуайб Арнаут кўплаб олимларнинг эътирофига сазовор бўлган. Шайх Абул Ҳасан Надвий уни “Тадқиқотчи муҳаққиқ олим”, Шайх Абдул Фаттоҳ Абу Ғудда “Маҳоратли муҳаққиқ олим” дея таърифлаган.

Аллома Шуайб Арнаут ҳижрий 1438 йил муҳаррам ойнинг 26-санасида, милодий 2016 йил 27 октябрда Урдун пойтахти Аммон шаҳрида вафот этди.

Нуриддин РАИМОВ,

Имом Бухорий номидаги

Тошкент ислом институти талабаси

Тарихи Муҳаммадий

(Давоми. Бошланиши ўтган сонларда.)

БАДР ҒАЗОТИ

Ўзлари бирмунча саҳобалар билан илгарилаб Мадинага юрдилар. Улардан бир-икки кун олдинроқ Мадина шаҳрига етдилар. Ҳаммадин аввал бошига бир чора кўтарган яҳуд хотини Расулуллоҳни қарши олди. Қарасалар, чора ичида қовурилиб, пиширилган кўзи гўшти бор эди. Ул хотун:

– Эй Муҳаммад, алҳамдулиллоҳ, сени саломат кўрдим. Агар Муҳаммад шу сафардин саломат қайтса, Худо йўлида бир кўзи сўйиб пиширайин, эл олди билан қарши олиб, шу таомдин егизай, деб ўзимга назр қилиб қўйган эдим. Мана, мақсадимга етдим, Худо муродимни берди, – деб чораси билан кўзи этини келтириб, Расулуллоҳ олдиларига қўйди. Тангрининг қудрати билан чорадаги кўзи гўшти шу ҳолда тилга келди:

– Эй Муҳаммад, мен оғуланмиш эрурман. Бу хотун заҳар қўшиб, мени пиширди, зинҳор мендин емагайсиз, – деб ўзидан хабар берди.

Аллоҳ амри билан бундоқ мўъжиза кўрилгач, у хотуннинг хиёнати маълум бўлиб, Расулуллоҳ анинг таомидан емадилар. Аммо бу тўғрида ул хотундин сўз ҳам сўрамадилар. Шу билан Расулуллоҳ Мадинага яқинлашиб келганларида катта-кичик бутун халқ тўсиб чиқишди. Чўрилар ва ёш қизлар ўз одатларича, чилдирмалар чалиб, шодлик қўшиқлари айтишур эди. Шундоқ бўлиб, табрик маросимлари суюнчилик билан ўтказилди.

Мўминларга қандоқ суюнчилик бўлди эрса, Қурайш мушриклари Бадрда енгилиб, Макка шаҳрига борганларидан сўнгра мотам тутмаган уй қолмай, қаттиқ қайғуришдилар. Жоҳилият одатларича, эру хотин демай, йиғи-зори қилгани туришди.

Урушда ўлганларнинг хотинлари ва яқин қариндошлари мотам белгиси қилиб, соч-соқолларини кесдилар. Ўлганнинг минган оти ёки туяси қолган бўлса, шуларга қора кийдириб, ёпуғлаб ўртага қўйилур эди. Қоп-қора мотам либосини кийишган хотун-қизлар булар атрофида чеврулуб, навҳа (ўлганни мақташ) бирлан йиғлашур эди. Мана шундоқ қаттиқ мотам тутишиб, бир ой ўтказдилар. Сўнгра ўзаро бу мотам йиғисини қилмасга маслаҳат қилишди. Чунки Муҳаммад ва унинг йўлдошлари бунини эшитур бўлсалар, аларга суюнчилик бўлғай, энди бизлар қонга-қон, жонга-жон олиб, ўлганлар ўчини олмагунча аларга йиғламагаймиз, деб қарор қилдилар. Шунинг билан йиғилари тўхтатилди.

Расулуллоҳ бўлсалар, Мадина шаҳрига кириб ором олдилар.

АСИРЛАР ҲАҚИДА МУЗОКАРА

Сўнгра асирлар тўғрисида сўз бошланди. Расулуллоҳ бу ҳақда саҳобаларга маслаҳат қилдилар. Анда ҳазрати Умар айтди:

– Ё Расулаллоҳ, булар сизни ёлғончи қилишди, ўзингизга ва ҳам сизга имон келтиргувчиларга қилмаган ёмонликлар қолмади. Охирида ўз ватанимиздан қочиб чиқмоққа мажбур бўлдик, устимизга кўшин тортиб келиб, ўзлари уруш қилдилар. Эндиги менинг маслаҳатим шуки, буларни қатлиом қилайлик, бари-ни қўймай ўлдирайлик. Булар ичида менинг туққан қариндошларим бўлса, буюринг, аларни мен ўлдирай. Ҳамзанинг яқинларини Ҳамзага, Алининг яқинларини Алига топширинг, ўлдирсинлар, бошқалари ҳам шундоқ қилсунлар. Булар куфр бошлиқлари, бузуқларнинг беклари эрурлар. Буларни тирик қолдирмагаймиз, сўнгра бошимизга бало бўлур, – деди.

Ансор саҳобалардин Саъд ибн Муъоз, Абдуллоҳ ибн Равоҳа шу фикрга қўшилдилар. Анда Абу Бакр Сиддиқ:

– Ё Расулаллоҳ, бу асирлар бўлса, ўз уруғ-аймоқларимиздур. Аллоҳ таоло сизга зафар берди, биз аларни енгиб, асир олдик. Энди буларни ўлдирмоғимиздан тирик қолдирмоғимиз яхшироқдур. Жон бошига мол кесиб, булардин фидя олайлик. Бу ишимиз эрса, келаси кунларда биз учун куч-қувват бўлғусидур. Балки асирлар ўлимдан қолсалар, сўнгги кунларда ажаб эмаским, ҳидоят топгайлар, у чоғда сизга кучли ёрдам бўлгайлар, – деди.

Шундоқ бўлиб, бир-бирига қарши бўлган икки фикр ўртага ташланди. Анда Расулаллоҳ айтдилар: “Аллоҳ таоло бировнинг кўнглини юмшоқ яратур, андоқ кишининг кўнгли сутдек оқ, қаймоқдек юмшоқ бўлур. Яна бировнинг кўнглини тошдин ҳам қаттиқроқ қилур. Эй Абу Бакр, сен ўтган пайғамбарлардан Иброҳим Халилуллоҳдек кўнглинг юмшоқдур. Ул айтмиш эрди:

– فَمَنْ تَبِعَنِي فَإِنَّهُ مِنِّي وَمَنْ عَصَانِي فَإِنَّكَ غَفُورٌ رَحِيمٌ

“Фаман табииий фаиннаҳу минний ва ман асоний фаиннака ғафурур-роҳим” [Иброҳим, 14/36]. Маъноси: “*Ҳар ким менга итоат қилур эрса, ул кимса мендин бўлур. Агар менга бўйинсунмасдин қаршилиқ қилур бўлса, ул чоғда Ғафурсан, Раҳимдурсан*”, демакдур. Яъни, унга ғазот қилмасдин, ёзуқларини ёпиб, яна раҳмат қилур эрсанг, эркликдурсан.

Иброҳим алайҳиссаломнинг бу айтган сўзларига қаралса, ул зотнинг кўнгли юмшоқлиги ва раҳмдиллиги маълум бўлур. Чунки ўзига иймон келтурмай, қаршилиқ қилгувчи кишиларга ҳам ёмонликни раво кўрмадилар. Балки ёзиқларини кечирмоқни Аллоҳдин сўрадилар. Сўнгга ҳазрати Умарга қараб дедиларки:

– Эй Умар, сенинг бу айтган сўзинг Нуҳ пайғамбар айтган сўзидек турур. Ул айтмиш эрди:

– لَا تَذَرُ عَلَى الْأَرْضِ مِنَ الْكَافِرِينَ دَيَّارًا

“Ла тазар ʼалал арзи минал кафирийна дайяро” [Нуҳ, 71/26]¹. Маъноси: “*Эй Раббим, Ер узра кофирлардан ҳеч киши қўймай ҳалок қил!*”

Бу сўзлардан сўнгга Расулаллоҳ уйларига кириб кетдилар. Маслаҳат бергувчиларнинг сўзларини англаб, ҳеч бирини рад қилмадилар. Ҳар икки фикрни тўғри топган бўлсалар ҳам, лекин ҳазрат Абу Бакр фикрига кўнгиллари мойил бўлди². Сўнгга саҳобаларга қараб:

– Сизларда фақирлик ва камбағаллик бордур, ҳар киши ўз асирини яхши сақласин, алардин фидя мол олиб, сўнгга бўшатгаймиз, – дедилар.

Бу сўз Қурайшга онгланди. Алар айтдилар:

– Биз бу ишга шошқинлик билан киришмайлик, агар асирларни қайтариш учун фидя молларини илдам юборур бўлсак, Муҳаммад бундан осигланиб (фойдаланиб), биздин ортуқча мол сўрар. Ўлим устига яна мол бериб, товон тўламак биз учун оғирдир. Шу сўз билан бу ишни кечиктирмоқчи бўлдилар.

Шундоқ бўлса ҳам, мушриклардан Мутталиб деган киши бу сўзга қулоқ солмай, яширинча Мадинага келди. Бунинг отаси Абу Видоъ асир тушганлардан эди. Тўрт минг танга товон тўлаб, отасини ажратиб олди. Буни кўриб, Қурайш халқи асирлар учун орқама-орқа фидя молларини юборишга киришдилар. Тўрт минг тангадан минг тангагача товон тушган эди. Буни тўлашга кучи етмаган киши, агар ўқиш-ёзишни яхши билур бўлса, Мадина болаларидан ўн болага ўқиш-ёзишни ўргатмоқ шарти ила озод қилинди. Яна асирлардан Амр отаси Абу Суфёндан фидя молини юборишни талаб қилди. Отаси мол юборишга рози бўлмай, “Муҳаммадни боламга ва молимга нечук эга қилурман? Қўйинглар, тилаганича боламини қўлида сақласин”, деб фидя молини юбормади.

Алихонтўра СОҒУНИЙнинг
“Тарихи Муҳаммадий” асаридан

Давоми бор...

¹ Қандехлавий. Ҳаётус-саҳоба, т. 2, 173-бет.

² Ибн Қайюм Жавзий. Зодул-маод (тарж.), т. 3, 144-бет.

Бозордаги озорлар

Афсус, бугун бозорда алдов, фирибгарлик кўпайиб кетди. Айниқса, сархил мевалар сотиб олиш илинжида одамлар бозорларга серқатнов. Аммо кўпинча харидингиз сотувчи мақтагандай бўлиб чиқмайди. Нархлар ўзгармоқда, бироқ сифат-чи?

“Саодат асри қиссалари” асарида “Муҳаммад ибн Абдуллоҳ қўлидаги молни сотар экан, уни ортиқ даражада мақтамасди. Сотиб олаётганда камситиш, сотаётганда ортиқча мақташ одати йўқ эди унда”, дейилади. Мана шу қисқа лавҳа бозор аҳли учун катта намунадир.

Абу Саид Худрий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деганлар: **“Ростгўй, омонатли тожир (тижоратчи) набийлар, сиддиқлар ва шаҳидлар билан биргадир”** (Имом Термизий ривояти).

Дарҳақиқат, ҳадиси шарифда айтилган сифатларга эга тижоратчи савдо қилганида фожирлик, алдамчилик ва ҳаромхўрликка йўл қўймайди. Агар у тақводор, яхшилик қилувчи ва ростгўй бўлмаса, бу дунёда ҳасрат чекади, охиратда эса шарманда бўлади.

Савдогар шариат кўрсатмасига биноан йўл тутса, унинг иши ибодат саналиши билан бирга баракали бўлади. Сабаби, бундай савдогарлар тижоратлари орқали нафақат ўзларига, балки атрофдаги жамият, қишлоқ, шаҳар ва маҳаллаларга ҳам катта наф келтириб, кўпчиликнинг эҳтиёжини қондирадилар. Қолаверса, пайғамбарлардан Нух ва Муҳаммад алайҳимассалом, халифалардан эса, ҳазрати Абу Бакр Сиддиқ ва Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳумо тижорат билан шуғулланганлар.

Улуғ зотларнинг биридан: “Обид устунроқми ёки омонатдор савдогарми?” деб сўралганида, бундай жавоб берган: “Омонатдор савдогар устун. Чунки молни сотиш ёки олиш пайтида шайтон уни тарозидан уриб қолишга ундайди, у бунинг аксини қилиб, шайтондан устун келади”.

Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу бундай деганлар: “Эй камбағаллар жамоаси! Бошларингни кўтариб, савдогарлик

қилинглар, албатта, йўл очикдир, одамларга муҳтож бўлманглар”.

Тожир молини ўтказиш учун қасам ичиши тўғри эмас. Зеро, Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деганлар: **“Қасам (ичиш) савдо молини ўтказувчи, баракани ўчирувчидир”** (Имом Бухорий ривояти).

– Бир дўкондан ширинлик сотиб олдим. Олиб келсам, ичи моғорлаб кетибди, – дейди Марҳабо опа. – Пул-ку топилади, аммо маҳсулотнинг уволи-чи? Ахир, дунёда қанчадан-қанча одамлар очликдан азият чекмоқда.

– Тўғриси, матонинг фарқига бормайман. Бир куни шаҳримиздаги бозорлардан бирида оёқ кийим олдим. Савдогар уни ошириб мақтади. Тоза чарм, деди. Аммо ундай эмас экан. Ёлғон гапириш савдогарларга одат бўлиб қолганми, билмайман, – дейди Абдуҳамид исмли юртдошимиз.

Ҳазрат Умар розияллоҳу анҳу савдо қонун-қоидаларини билмайдиганларни ўзига ё ўзгага зарар қилмасин, деб бозорга киритмаган. У зот бундай деган: “Динда фақиҳ бўлмаган ва савдо қонун-қоидаларини билмаган киши бозорда савдо қилмасин, чунки у ўзига ёки ўзгага зарар қилади”.

Савдогарларнинг муомала маданияти ҳам оғриқли масала. “Нега қиммат?” ёки “Нега сифатсиз?” дейишингиз билан аксари “Арзон жойидан ол, сифатлисига пулинг етадими?” сингари қўпол жавоблар беришади. Бир хил номдаги айни маҳсулот учун сезиларли даражада фарқли нархлар белгилаб олиниши кишини ўйлантиради. Ахир, ота-онаси фақат ойлик олганда тансиқ нарсадан тотинадиган болалар, егиси келган маҳсулот ёнидан тамшаниб ўтаётган ҳомиладор аёллар, етимлар, ночорлар юради орамизда. Зотан, бу ишларнинг ҳам жавоби бор. Қандай йўл билан бўлмасин, бозорда фойда кетидан қуваётган айрим сотувчилар, огоҳ бўлинг, бозор қиламан, деб озор берманг, озорнинг азоби ҳам борлиги эсингиздан чиқиб қолмасин!

Камола АДАШБОЕВА